СССР Давлат китоб палатаси
Ин
Давлат ҳужжатлари ва ҳужжатлар ўзбекистон
Г-70596

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 4 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 32 (6729)

Даъват

Ҳар ким илму ҳикматни ўрганмоқчи бўлса, ўқишни ёшлигидан бошласин, саломатлигини сақласин, яхши ахлоқ эгаси бўлсин; доно кишиларни ҳурмат қилсин.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Ибрат

Қушкўпир туманидаги 38-ўрта мактаб биноси ва синф хоналари дам олиш кунлари ва ўқишдан бўш пайтларда қайта таъмирланиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Зиё маскани директори Отабой Рўзметовнинг эътироф этишича, таъмир учун кетган барча сарф-харажатлар мактабнинг ёрдамчи хўжалиги ҳисобидан бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҒАЛАБА КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги катта хизматлари учун ва 9 май Ғалаба куни байрами муносабати билан:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, байналмилал жангчилардан бўлган ногиронлар энг оз иш ҳақининг 2,5 баравар миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлансин.

2. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ушбу мукофотнинг тўланишини таъминласинлар.

4. Дам олиш куни 1996 йил 12 май якшанбадан 1996 йил 10 майга кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 май.



Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи, ўқитувчининг ўзи кўп ва хўп ўқиган бўлмоғи лозим.

Асака туманидаги 11-гимназиянинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Абдураҳим Мирзаахмедовни юқоридаги ақиданинг чин ижрочиси десак хато бўлмайди.

Абдураҳим ака ўтган йили Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган «Ўқувчи-95» кўрик-танловида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Айни кунларда эса бўлажак республика кўрик-танловида яна қатнашиш ниятида изланишда.

Сиз суратда кўриб турган Абдураҳим Мирзаахмедовнинг бир нуқтага тикилган қароғлари уфқида олам-олам меҳр, билим жилваланиб турибди.

Адҳамжон АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 май куни АҚШнинг «Юнокал» корпорацияси вице-президенти Марти Миллер ва Саудия Арабистонининг «Делта ойл» компанияси вице-президенти Усмон Калдримни қабул қилди.

Олий Мажлис Раиси Э.Халилов 2 май куни Сайлов тизимлари халқаро фондининг Марказий Осиё бошқармаси директори Г.Хофманни қабул қилди.

Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг таклифига биноан Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Корея Республикасига жўнаб кетди.

«Ўзбекистон Республикасининг банк — молия академиясини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.

Россия Президенти Б.Елциннинг Президент сайловларигача Чеченистонга бориши кўзда тутилмоқда. Бироқ, қачонлиги ҳозирча сир.

Бир неча кун аввал ҳалок бўлганлиги эълон қилинган Жохар Дудаев издоши Зелимхон Яндарбиев Чеченистон жанубида ғарб журналистлари билан учрашиб, ўз юрти озодлиги учун Россия билан охирги жангчиси қолгунча курашажагини айтди.

Фаластин мухториятининг раҳбари Ясир Арофатнинг Вашингтонга расмий ташрифи мақсади эртага бошланадиган Фаластин-Исроил музокаралари учун қулай шароит яратиш бўлди.

Исроил бош вазири М.Перес Франция сафарида Ж.Ширак билан бўлган учрашувда Ливанга иқтисодиётини тиклашда ёрдам беражагини, уни ўз душмани деб билмаслигини таъкидлади.

Лотин алифбосини ўрганамиз

ЭҲТИЁЖДАН ЗАРУРАТГА

Йиғилишлар нима учун чақирилади? Маърузабозлик учун эмас, албатта. Бирорта муҳим масалани муҳокама этиш, вазифаларни белгилаш мақсадида ўтказиладиган мажлислар аҳли маърифатга, албатта, нимадир бераді. Шу маънода, уларнинг фикрини бойитади.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети мажлислар залида тўпланган зиёлилар — олимлар, тадқиқотчилар, педагоглар, талабаларнинг фикр-диққатлари бир нуқтага жамланди. Анжуманни Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг ректори, академик Саидаҳрор Ғуломов кириш сўзи билан очди.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси амалиётга жорий қилиниш арафасида турибди. Хўш, бунинг қандай зарурати бор? Қай тарзда амалга ошириш лозим? Учта муҳим жиҳат ҳисобга олинмоқда: ёзувнинг тарихий, техникавий, халқаро аҳамияти ана шу алифбога ўтишни тақозо этяпти.

Мазкур анжуманда турлича фикрлар, нуқтаи назарлар, таклифлар баён этилди. Умумлаштириб айтиладиган бўлса, янги алифбонинг имловий имкониятлари, атамалар муаммоси, ёзувнинг мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактабларида, олий ўқув юртларида ўргатилиши, ўқитилиши, алифбонинг давлат ривожланишидаги роли ва ҳоказо масалалар зукко олимлар назаридан четда қолмади.

Илмийликдан амалиет келиб чиқади. Яъни фандаги маълум изланишлар, тадқиқотлар аста-секинлик билан турмушга сингиб боравераді. Зиёлиларнинг илмий қарашлари, вақт келиб, амалиётда ўз ифодасини топади. Анжуманда айтилган фикрларнинг амалга ошишини вақт кўрсатади. Лотин алифбосидаги 26 та ҳарфдан 24 таси жаҳон миқёсидаги обрўли тиллар — инглиз, немис, испан тилларидаги ҳарфларнинг айнан ўзидир. Бу эса ишларнинг жаҳон тилларини осонлик билан ўрганишларига замин яратади.

Лотин алифбосига эҳтиёж Ўзбекистоннинг мустақиликка юз тутиши, муъжизакор техникаларнинг пайдо бўлиши ва қолаверса, давлатимизнинг халқаро майдондаги обру-эътиборини ошириш билан боғлиқ.

Маърузаларда ана шу жиҳатлар қайд қилинди.

***

«Чумчуқ суйса ҳам қассоб суйсин». Яъни мутахассис қармоқни узунроқ ташлаб, кенгроқ фикрлайди. Анжуман кун тартибидаги шўъба йиғилишлари ҳақида хулоса чиқарганда, бехиёр ана шу мақол эдимизга тушди. Етти ўлчаб бир кесадиган тилшунос олимларнинг якдил ёки қарама-қарши фикрлари зикр этилди.

Тилшунослик институтининг директори, профессор Азим Ҳожиевнинг «Янги алифбо: имловий имкониятлар ва ўқитилишидаги айрим муаммолар», Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик Қўмитаси раисининг муовини, доцент Ҳабибулла Бектемировнинг «Янги алифбо ва атамалар муаммосига доир» маърузалари баҳсталаб бўлди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ижтимоий таълим ва тарбиявий ишлар Бош бошқармаси бошлиги муовини Пулат Турасвнинг маърузасида алифбони жорий этишнинг босқичли муддатлари кўрсатиб ўтилди.

Республика Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти доценти Қозоқбой Йўлдошевнинг «Лотин ёзувига ўтиш юзасидан олиб борилаётган илмий-амалий тадбирлар», ТошДУ профессори Карим Назаровнинг «Ўзбек янги алифбоси ва миллий имлосининг муҳим муаммолари», профессор Суюнбой Қораевнинг «Лотин ёзуви ва географик жойлар транскрипцияси», Иқтисодиёт университети доценти Суннатилла Ризаевнинг «Олий ўқув юртларида лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг ўқитилиши юзасидан талабалар билимини назорат қилишда рейтинг усули афзалликлари» тўғрисидаги маърузалари, айниқса, эътиборга молик бўлди.

Хуллас, мулоҳазалар, мунозаралар, ижчил баён қилинган маърузалар бир талай эди. Ҳаммасида бир фикр илгари сурилди. Янги ўзбек алифбосини иккиланмай дадиллик ва жадаллик билан амалга оширишга киришмоқ керак! Бунинг мавруди келди.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

Абитуриент-96

ЯНГИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

Аввал хабар берганимиздек, Давлат тест маркази томонидан нашр этилаётган «Ахборотнома»да 1996 йил олий ва ўрта махсус билим юртларининг қабул имтиҳонларида фойдаланиладиган тест саволлари чоп этилмоқда. Ёдингизда бўлса унинг 1-сонида ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, математика, химия ва биология фанларидан саволларнинг бир қисми босилган эди.

«Ахборотнома»нинг 2-сони ҳам босмадан чиқди. Унда рус тили ва адабиёти, тарих, география ва инглиз тили фанларидан саволлар берилган.

ЯХШИДАН МАКТАБ ҲАМ ҚОЛАДИ

Муртазо СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди, вазирликнинг иқтисодий кенгаш раиси.

Ҳар қандай жамиятнинг, давлатнинг айни кундаги ва келгусидаги равнақини белгиловчи асосий омиллардан бири бу-ёш авлод таълим-тарбиясидир. Негаки, биз бугун тарбиялаб, таълим бераётган ёшлар вақти келиб мамлакатимизнинг фаол фуқаролари, унинг илмий-маданий салоҳиятини яратувчилари булишади. Тараққиётнинг бу қонунига амал қилиб, ҳукуматимиз мактаб-маориф соҳасига алоҳида эътибор бериб, келмоқда. Президентимиз И. Каримов томонидан белгилаб берилган бозор иқтисодиётига ўтишда амал қилиниши лозим булган беш тамойилнинг бири ҳам «аҳолининг ёрдамга муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш» эканлиги бежиз эмас. Чунки мустақилликка эришгунга қадар қонқонимизга сингиб кетган йирик марказлашув таъсиридан қутулиб, ўз-ўзини бошқаришга асосланган иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёнида юзага келиши табиий булган қийинчиликлар давлатимиз раҳбарияти томонидан аниқ идрок қилинган эди.

Умумий ўрта таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчиларига, мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-муаллимларига, шунингдек мактабдан ташқари муассасалар ходимларига бир қатор имтиёзлар бериш тўғрисидаги Президентимиз фармонлари ҳам халқ таълими ходимларини ижтимоий ҳимоялашга мисол була олади. Бу фармонларнинг амалга оширилиши, ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, махсус штаб ҳамда доимий назорат қилувчи ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир давлат тасарруфидаги уйларда истиқомат қилаётган 119 минг 775 нафар педагогга турар-жойлари хусусийлаштириб берилди. 38 минг 879 нафарига эса шахсий уй қуриш учун ер майдонлари ажратилди. Шунингдек ўқитувчилар электр қуввати учун, коммунал хизмат учун тўловларни тўлашда, шаҳар транспортидан фойдаланишда ҳам имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида халқ таълими тизимларида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларда сусткашликка йўл қўйилаётганлигини, таълим мазмунини юксалтириш бўйича ишлар секинлик билан амалга оширилаётганлигини, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича етарлича ишлар олиб борилмаётганлигини, таълим-тарбия ишларининг илмий-назарий жиҳатлари бугунги кун талабларидан орқада қолаётганлигини кескин танқид қилиб ўтди. Мамлакатимиз келажаги булган ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишларини янада такомиллаштириш, бу ишларни мустақил Ўзбекистоннинг мафкуравий дастурлари, миллий қадриятларини тиклаш каби муҳим жараёнлари билан уйғунлаштириб олиб бориш кераклигини таъкидлади. Яқин келажакдаги энг муҳим вазифа — ўқитувчи ва тарбиячиларга етарли ғамхўрлик қилиш зарурлигини уқтирди. Мактабга ғамхўрлик қилишдек хайрли ишга қўл урган тадбиркор Набижон Маҳмудов, Фарғона вилоятидаги Валик қишлоғи ёшларга 422 ўринли 2 қаватли мактаб биносини ўз маблағидан 10 млн. сўм сарфлаб совға қилгани, кейин бу мактаб-гимназияга айлантирилганлиги эътиборга лойиқлигини айтиб, тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерларни шундай эзгу ишларда фаол иштирок этишга даъват этди.

Албатта, мулкка муносабат тубдан ўзгараётган, маҳаллий ҳокимликларга бошқарувда мустақиллик берилаётган бир даврда ўша ҳудудда жойлашган таълим-тарбия муассасалари тақдири ҳам ҳокимлар, ҳужалик раҳбарларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ҳар қачон ҳам маориф фидойиликни ҳамда бир оз мурувватни талаб қилиб келган. Таълимни ислоҳ қилишда ўқитувчи-тарбиячининг ҳал қилувчи куч эканлигини тушуниб етган, ўзини чинакам халқ етакчиси деб ҳисоблайдиган раҳбарларимиз қатор ишларни амалга оширмоқдалар.

Биргина ўтган йили бу борада қилинган ишларга назар солайлик. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлари ҳомийлар ҳамкорлигида мактаб ва боғчалар таъмири учун 2 млн. сўм ажратган. Нукус шаҳар ҳокимияти кам таъминланган ўқитувчилар оилалари болаларига 5 млн. сўм миқдорида жамғарма дафтарчалари очишган. Қўнғирот шаҳридаги «Ёрдам берувчи фонд» 115 ўқувчига 19063 сўмлик кийим-кечак, ўқув-ёзув қуроллари олиб берган, етим болаларга эса 50 сўмдан нафақа бериб бораяпти.

Андижон вилояти ҳокимлиги қўрғонтепаликларнинг таълим-тарбия муассасаларини оталиқ ташкилотлари ва ҳомийлар маблағи ҳисобига таъмирлаш ҳақидаги тажрибасини барча туманларга ёйишган. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, вилоятда деярли ҳар бир таълим маскани оталиқ ташкилотига бириктирилган. 13-ҲТБЮ «ДЭУ» корпорацияси билан, 16-ҳунар лицейи Қўрғонтепа ип-газлама комбинати билан, 37-ҲТБЮ Андижон ип-газлама комбинати билан, 35-ҲТБЮ «Андижонкабель» заводи билан, 9-гимназия Асака ёг-мой комбинати билан, 8-гимназия А. Ҳужа номидаги кичик корхона билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу ҳомийларнинг ҳар бири билим масканларига 500-600 минг сўмдан ёрдам кўрсатишган.

Бу каби ишлар Қашқадарё вилоятида ҳам намунали йўлга қўйилган. Кам таъминланган оилалар фарзандларига, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига 130 минг сўмдан ортиқ пул ва совғалар тарқатилган. Чироқчи ва Китоб туманлари ҳокимликлари халқ таълими ходимлари учун туман ҳудудида қатновчи автобусларда бепул юриш имтиёзларини яратишган. Баҳористон туманидаги мактаблар ўқитувчиларига жамоа ширкат хўжаликлари томонидан 63,7 тонна галла, 7,4 тонна пахта ёғи, 161 кг гўшт, 3800 сўм пул берилган. У. Юсупов туманидаги Э. Ниёзқулов раислик қилаётган жамоа хўжалиги 745 нафар ўқитувчига 20 килограммдан буғдой, 5 килограммдан пахта ёғи, Х. Абдуллаев номидаги мактаб ўқитувчиларига шахсий томорқа учун 8 гектар ер ажратилган.

Самарқанд вилояти туманлари ҳамда шаҳарлари ҳокимлари ҳам таълимга ғамхўрликни ўзларининг асосий ишларига айлантиришган. Самарқанд шаҳри ҳокимлиги оталиқ ташкилотлари ва ҳомийлар ёрдамида мактаб ва болалар боғчаларига 120 минг 234 сўм пул маблағи беришган ҳамда жорий таъмир учун қурилиш материаллари ажратишган. Таълим-тарбия муассасаларини тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлашга ёрдам кўрсатишган. Самарқанд тумани ҳокимлиги 547 нафар кам даромадли, серфарзанд ўқитувчиларга 250 минг, янги йил арафасида 500 нафар педагогга 2,5 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатган. Ҳомийлар томонидан эса 5001 нафар ўқитувчи, тарбиячига 1 млн. 500 минг сўм тарқатилган. Шунингдек, Жомбой, Оқдарё, Нуробод, Паст Дарғом туманларида ўқитувчилар, мактаблар ихтиёрига экин майдонлари ажратилган.

Бу каби таълим-тарбияга жонкуяр ҳокимликлар қилаётган ишлар ҳозирданоқ ўз натижаларини бермоқда. Таълим мазмуни, сифати яхшиланишида ва моддий қувватининг ошиб бораётганлигида буни кўришимиз мумкин.

Бизни қувонтирадиган яна бир нарса — ташкилотлар, корхоналар, тадбиркорлар томонидан таълим муассасаларига, уларда ишлаётган ходимларга кўрсатилаётган ҳомийликдир. Бу жараён ҳозир жуда кенг қуламда давом этмоқда. Ҳу-

(Давоми 2-бетда)

Олий ўқув юртларида

ДЕКАННИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

Мамасоли Мадраимовнинг салобатли унвонлари йўқ. Бор-йўғи физика-математика фанлари номзоди, доцент. Бироқ у киши қарийб ўн саккиз йилдан бери Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг математика факультетига бош-қош, тажрибали педагог раҳбар, камтарин олим... Мамасоли ака математика ва бу мураккаб фанни ўқиш-ўқитиш ишларига доир ўз фикрига эга.

— Домла, мана, сиз узоқ йиллардан бери математика факультетига деканлик қилиб келаяпсиз. Айтинг-чи, республикамиз мустақилликка эришгандан буён бу нуфузли илм даргоҳи ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди?

— Янгиликлар кўп, албатта! Барча жабҳалардагидек, бизнинг илм даргоҳимизга ҳам кўнгилларни қувонтирадиган ўзгаришлар кириб келди. Илгари, «математика факультети» деб аталса-да, лекин ўқув дастуримизнинг қарийб 40 фоизини мафкуравий дарслар ташкил этарди. Очиқроғи, асл мутахассислик бир ёқда қолиб, талабаларга коммунистик дунёқарашни тарғиб қилиш билан банд бўлардик. Бугунга келиб эса коммунистик мафкурабозликка буткул барҳам берилди. Ҳурматли Президентимиз таъкидлаганидек «ҳар биримиз ўз ишимиз билан шуғулланаяпмиз». Шу ўринда мустақилликнинг яна бир ширин меваси ҳақида таъкидлаб ўтишни истардим. Маълумки, бизнинг Шарқ математиканинг асл ватани. Бу ҳақиқатни жаҳон тан олган. Бироқ, илгари бу ҳақда фақатгина тил учида, қўрқа-писа айтиб ўтардик. Мана, 4-5 йиллан бери бизнинг ўқув дастурларимизда Ал-Хоразмий, Беруний, Улуғбек каби буюк математик бобокалонларимизнинг бу фанга доир илмий ишлари ҳам мунтазам жой олиб келмоқда.

— Мамасоли ака, ютуқлар бор жойда, камчиликлар, қийинчиликлар бўлиши табиий бир ҳол. Шу нуқтаи назардан қараганда, математика факультети олдида турган муаммолар ҳақида нима дея оласиз?

— Аввало дарсликлар масаласи бизни қийнаб турибди. Маълумки, эски совет тузуми пайтида барча китобу қўлланмалар асосан рус тилида ёзилган. Ҳамон ўша дарсликларга мурожаат қилишга мажбур бўляпмиз. Чунки янги дарслик ва қўлланмалар етарли эмас. Ўйлайманки, бу муаммо вақтинчалик, тез орада талабаларимиз ўз она тилларидаги кераклича дарслик-қўлланмаларга эга бўладилар.

Кези келганда, яна бир муаммо юзасидан тўхталиб ўтишни истардим. Эсимда, 1978 йилда математика факультетининг фақатгина кундузги бўлимида 1600 талаба таҳсил оларди. Бугунги кунга келиб эса бор-йўғи 500 талаба аудиторияларимизда таҳсил оляпти. Афсуски, бу талабалар сони талаб даражасида эмас. Мана, менинг иш столим устида пойтахтимизнинг жуда кўп мактабларидан келаётган номалар. Уларда битирувчи талабалардан ишга юбориш илтимос қилинган. Битирувчи талабаларнинг сони эса бу ҳақни истакларни қондиришга етарли эмас. Устигаустак кўпгина талабалар бошқа вилоятлардан келган, уларнинг асосий қисми ўз вилоят ва туманларига кетиш ниятида бўлиши табиий ҳолдир.

— Ҳозирги кунда талабаларнинг ўқишга бўлган иштиёқи қандай? Уларнинг кўнгилдагидек билим олишларига шарт-шароит етарлими?

— Математика факультетида фанга иштиёқманд йигит-қизлар таҳсил олади десам, муболаға бўлмас. Уларнинг барчаси ҳам илмга чанқоқ, тиришқоқ ва ҳаракатчан ёшлар. Институтимиз жамоаси вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, талабалар учун етарли шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилмоқда. Ўқув хоналаримиз замонавий ўқув жиҳозларига, хусусан, компьютерларга эга. Энг муҳими, талабаларимиз бизнинг факультетга адашиб келиб қолмаганлар. Ўйлайманки, улар орасидан келажакда нафақат моҳир педагоглар, балки математика илмининг етук олимлари етишиб чиқади.

Суҳбатдош Лукмон БЎРИХОН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

«Ҳавас»

ҲАММА РАҲБАРИДАН ЎРНАК ОЛАДИ

Ҳаммага маълумки 6-8 май кунлари республикамиз пойтахтида «Ҳавас» теннис турнири ўтказилади. Унда мамлакатимизнинг турли бўғин раҳбарлари иштирок этишади.

Шу муносабат билан турнир қатнашчиси Навоий тумани ҳокими Мардон Шамсиев мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ушбу турнирнинг ташкилотчиси юртбошимиз эканликлари бу тадбирнинг бир неча афзалликлари борлигини кўрсатади. Яъни, бунда фақатгина теннисни оммалаштириш эмас, балки барча бўғин раҳбарларининг жисман соғлом бўлишлари, шунинг баробарида спортни кенг оммага ёйиш ҳам асосий мақсаддир. Буни «Ҳавас» турнири ташкилий қўмитаси раҳбарлари алоҳида таъкидладилар.

Энди туман, хусусан, ўз ҳақимда тўхталадиган бўлсам, икки йилдан буён спортнинг бу тури билан мунтазам шуғулланиб бораман. Туманимизда катта теннис кортини ҳам очганмиз. Кундан-кун унинг мухлислари кўпаймоқда, ўйин оммавийлашмоқда.

***

Кеча Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кичик залида «Ҳавас» теннис кубоги юзасидан матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ш. И. Каримов сўзга чиқиб, бу турнир фақатгина спорт мусобақаси эмас, балки бир байрамдек, ҳазил-мутойибага бой тарзда ўтказилиши, шу билан бирга мазкур турнир соғлом авлод яратишимизда муҳим бир омил бўлиб қолиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

САҲНАДА ИГНА БИЛАН ИП

Ҳунар таълими ўқув муассасалари ўқувчиларининг билим даражаси маҳорати ва уларнинг меҳнатга тайёргарлигини ошириш мақсадида Хоразм вилояти ҳунар билим юртлари ўқувчилари ўртасида «Замонавий кийим тикувчиси» касби бўйича «Энг яхши мутахассис» унвони учун вилоят кўриктанлови ўтказилди. Унда вилоятдаги ҳунар билим юртларидан 30 ўқувчи қатнашди.

Танловда турли синовлардан муваффақиятли ўта олган Урганч шаҳридаги 3-ҳунар билим юрти ўқувчиси Санобар Қўшчонова биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

ОҚТОҒ — ОҚБОҚҚА АЙЛАНГУСИ

Яқинда Қўшработ туманидаги 55-ўрта мактабда вилоят ҳокимининг «Мевали ва манзарали дарахт ўтқазиш» қарорини амалга ошириш мақсадида мактабнинг 9-»А» синф ўқувчилари томонидан Нурота тоғ тизмасига кирувчи Оқ тоғнинг Учқўл дарасига минг тупдан зиёдроқ терак ва тол новдалари ўтқазилди.

БИР КАРВОНДА УЧ САРБОН

Тошкент Автомобиль йўллари институтида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Улуғбек номидаги республика жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган «Ўзбекистон — Ватаним, ифтихорим ва шон-шарафим» мавзусидаги талабаларо яхши шеър, публицистик мақола ва тасвирий санъат асарлари кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шеърият йўналиши бўйича А.Алимов, публицистика йўналиши бўйича Б.Қорабоев, тасвирий санъат йўналиши бўйича М.Иноғомовлар қаламлари тиғи анча қайралганлиги маълум бўлди.

Энди эса ушбу ғолиблар кўриктанловнинг иккинчи босқичида иштирок этадилар.

КОМПЬЮТЕРЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Яқинда Тошкент давлат университети механика-математика факультетига 91 комплект компьютерлар мажмуаси келтирилди.

Факультет ҳисоблаш маркази бошлиги Абдуманнон Қодировнинг таъкидлашича, ҳисоблаш машиналари бир дақиқада 1 миллион операцияни бажара олади. Бошқача қилиб айтганда, юз бетлик китобдан 500 мингтасини хотирасида бемалол сақлай олади.

Германиянинг ТВС фирмаси тавсиясига биноан сотиб олинган бу компьютерлар шу пайтгача жаҳонда ишлаб чиқарилган машиналардан ўзининг анчагина устунлиги билан фарқ қилади.

МУАЛЛИФЛАР:
И.ОЛЛОБЕРГАНОВ,
И.ҒАЗНАЕВ,
Н.ЖЎРАБОЕВ,
А.ОМОНБОЕВ.

ЯХШИДАН МАКТАБ ҲАМ ҚОЛАДИ

(Боши 1-бетда).

куматимиз томонидан таълимга қайишган тадбиркорлар учун яратилган имтиёзлар ҳам бир қадар улар сонини кўпайтирди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси пойтахтдаги 53-мактабга 150 минг сум, «Гўшт-сут савдо» трести 50 минг сум, «Парранда» ишлаб чиқариш бирлашмаси 90 минг сум, «Ўрта Осиё трансқурилиш» трести 70 минг сўм миқдорида маблағ ажратган. Нукус тумани Нукус жамоа хўжалигидаги 4-мактабнинг инглиз тили муаллими Алланиёз Утениёзов 50 ўринли богча, 2 хонадан иборат тиббий шохобча биноси, беш бўлмали бошлангич мактабни ўз ўғли Ажиниёз билан қуриб битказган. Улар бажарган иш ҳажми 1 млн. 400 минг сўмга тўғри келади.

Самарқанд вилояти дорихоналар бошқармаси бошлиғи М. Шодмонов ўз маблағи ҳисобидан Булунгур туманидаги 29-бошлангич мактабни газлаштириб берган. Самарқанд химия заводи 9-меҳрибонлик уйи биноси таъмирига ҳамда мусиқа залини қуришга ёрдам бермоқда. Жанубий кон бошқармаси эса ўтган йил давомида меҳрибонлик уйига 73120 минг сўм ажратган, 3990 сўмлик ун маҳсулотлари берган. Челак туманидаги 32-мактаб директори Абдунаби Йўлдошев ўз маблағи ҳисобига мактаб қурган. Оқтош шаҳридаги дон маҳсулотлари комбинати 10 нафар ўқувчига стипендия бермоқда. Шофиркон туманида асалчи сифатида машҳур бўлган Муҳаммадражаб Сафаров оиласи жамғармаси ҳисобидан янги мактаб биносини қуриб, ишга туширди.

Халқ таълими тизимидаги муаммоларни ҳал этишга ибратли ва намунали ишлари билан яқиндан кўмак бераётган оталиқ ташкилотлари, маҳаллий ҳокимиятлар, ҳомийларнинг саховатлари таҳсинга лойиқ. Халқ таълими тасарруфидаги ўқув юртлари, мактабгача тарбия муассасалари биноларини таъмирлашга, янги биноларни қурилишига ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимояларини яқиндан ёрдам кўрсатган ҳокимлар республикамизда жуда кўп ва улар сафи ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ аҳолига, корхона ва ташкилотларга маиший хизмат кўрсатиш, амалдаги қонунларда ман этилмаган тадбиркорлик ва тижорат ишларининг баъзи турлари билан даромад топаётган ва ўз харажатларини ўзи қоплаётган билим масканлари сони ҳам ортиб бораяпти. Улар асосий фаолиятга зарар етказмаган ҳолда, кичик ўқув цехлари, корхоналар ташкил этиб, меҳнат дарсларида ва ўқувчиларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиб, ёшлар қуч-қувватини ва тадбиркорлигини аниқ мақсадларга йўналтираётирлар. Бу ташаббусни ҳам республика бўйича кенг ёйиш зарурати сезилмоқда. Ташкил этилган тадбирлардан тушган маблағлар ва ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар асосида меҳнат жамоаси қарори билан ёрдам жамғармасини (фондини) ташкил этиш, шу йўсинда педагог ходимларга моддий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш (улар маошига устама ҳақ бериш), ўқув юртининг моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфлаш бозорга утиш даврининг асосий талабидир.

Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда ҳалқ таълими ходимларини, тарбияланувчилар ҳамда таълим олувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш даражасини оширишда, мустақил республикамизда «Соғлом авлод учун» истиқбол дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш, келажаги буюк мамлакатимиз болаларини ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол булиши учун ғамхўрлик қилиш халқ таълими тизимидаги барча ташкилот, муассаса ва ўқув юртлари иш фоалиятида асосий мезон бўлиб қолиши лозим.

Ёшларда миллий руҳни, миллатлараро дўстона муносабатларни шакллантириш, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришда оила, мактаб, таълим муассасалари иштирокини кучайтириш муҳим вазифадир. Мазкур вазифани кўнгилдагидек амалга ошириш жойлардаги халқ таълими бошқармалари, бўлимлари, ўқув юртлари билан маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятини уйғунлаштириш ва такомиллаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Халқ таълими ходимларининг бугунги долзарб иши истиқлолимиз дадил оёққа турётган тарихий даврда чинакам фидойилик, жонкуярлик, ташаббускорлик, яхши хулқ, одоблилик, оқибатлилик, бағри кенглилик, ижодкорлик кўрсатиб ишлашдан, илғор янги педагогик иш усулларини янада кенгроқ қўллаб, ёш авлодни маънан етук инсонлар бўлиб улгайишига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» дастурий асарида айтилганидек: «...**Халқ таълимининг бутун тизимини янада қатъият билан ва тезроқ қайта қуриш зарур.**

Ҳозирги шароитда халқ таълими тизимини, унинг барча бўғинларини ягона комплекс сифатида қараш талаб этилмоқда. Бу бўғинларнинг мактабгача тарбия олишини, умумий ва махсус билимга, профессионал тайёргарликка эга бўлган ёпларнинг шахс сифатида маънавий ва ахлоқий камол топишини, уларнинг жисмоний ривожланишини таъминлайди. Шундай негиз мавжуд бўлгандагина, янги, равнақ топаётган жамиятни қуриш бўйича бутун ота-оналар ва катталар томонидан бошланган шарафли ишни охиригача олиб боришга қодир бўлган жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш мумкин» деган гапларига амал қилиб иш тутмоғимиз, мустақил мамлакатимиз олдидаги масъулиятимизни чуқур ҳис этмоғимиз лозим.

Сўнгги йилларда иқтисодий қийинчиликларга қарамай республикамиз халқ таълими муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш борасида жойлардаги ҳокимият, идора ва ташкилотлар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, мактаблар учун бинолар қурилиши, бунда авария ҳолатидаги бинолар ўрнига янги бинолар қурилиши эътиборга лойиқдир.

Жумладан, Андижон вилояти Пахтаобод тумани ҳокимияти авария ҳолатидаги 19-мактаб учун 834 ўринли, Қорасув шаҳри ҳокимияти авария ҳолатидаги 2-мактаб учун 420 ўринли мактаб биносини қуриб фойдаланишга топширдилар. Жарқўрғон тумани ҳокимияти авария ҳолатидаги мактаб учун 400 ўринли, Бойсун тумани ҳокимияти авария ҳолатидаги мактаб учун 624 ўринли мактаб биносини қуриб топширди.

Янги мактаб қуришда оталиқ ташкилотларининг ҳам ҳиссалари анчагина. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманида Ороллди бирлашган маъмурияти 844 ўринли, Қашқадарё вилояти Ғузор туманида «Ўзбекнефтегаз» ташкилоти 624 ўринли ва Фарғона вилояти Охунбобоев туманида Марғилон ипак бирлашмаси 39-мактаб учун 200 ўринли мактаб биносини битказиб фарзандларимизга туҳфа қилдилар.

Туман ҳокимлари раҳнамолигида маҳаллий бюджет ҳисобидан Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида 6-мактаб учун 320 ўринли, Шароф Рашидов туманида 192 ўринли, Гулистон шаҳрида 640 ўринли, Қашқадарё вилоятининг Косон туманида 422 ўринли, Чироқчи туманида 264 ўринли, Қамаши туманида 624 ўринли, Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» даҳасида 1266 ўринли, Сирғали туманининг 7-даҳасида 1251 ўринли, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида 172 ўринли, Бухоро вилоятининг Олот туманида 600 ўринли, Бухоро туманида 422 ўринли, Вобкент туманида 600 ўринли, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ҳисобидан Амударё туманида 844 ўринли, Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида 624 ўринли ва шу туманнинг «Гулистон» жамоа хўжалигида 524 ўринли, Гурлан туманидага Огаҳий номли мактаб учун 320 ўринли, Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида 42-мактаб учун 210 ўринли қўшимча бино, Бувайда тумани Навоий жамоа хўжалигида 504 ўринли, Данғара туманидаги Узбекистон жамоа хўжалигида 844 ўринли, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги Пайшанба поселкасида 320 ўринли, Каттақўрғон туманидаги Орзи Маҳмудов номли жамоа хўжалигидаги 97-мактаб учун 480 ўринли, Пахтачи туманидаги «Зафаршон» жамоа хўжалигидаги 31-мактаб учун 320 ўринли, янги замонавий мактаб биноларини фойдаланишга топширилди. Қулай синф хоналари болаларнинг қувончли чеҳралари билан тулди.

Ҳадемай, мактабларда ўқишлар тугаб, янги ўқув йилига тайёргарлик мавсуми бошланиб кетади. Капитал ҳамда жорий таъмирни сифатли ва тез суръатларда ўтказиш учун ҳозирданоқ тараддуд бошланмоқда. Президентимиз «Қани энди, ҳар қайси ҳокимлик вазифасида утирган раҳбар биттадан... мактаб қурса!» дея таъкидлаганди.

Ўйлаймизки, маҳаллий ҳокимиятлар, мактаб жонкуярлари — ташкилотлар, тадбиркорлар, хомийлар ҳар қачонгидек ўз ватанпарварликлари — мактабпарварликларини бу борада ҳам намоён этадилар. Зотан, мактабга ғамхўрлик — келажакка ғамхўрликдир.

Ўқтам ака ўз касби билан доимо фахрланади, шу касби орқали ёш авлодга таълим-тарбия беришда фаол қатнашиб, эл-юрт истиқболига ҳисса қўшиб келаётганини теран ҳис қилади. У институтни битирганидан сўнг, мана, ўн тўрт йилдан буён А. С. Макаренко номидаги педагогика билим юртида талабаларга физика-информатика фанидан сабоқ бериб келмоқда.

ҚУТЛУҒ ТЎЙГА ЯНА ТЎЁНА

Андижон шаҳридаги «Ёшлик» саройида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб мактабларо кўрик-танлов ўтказилди.

Танловда шаҳардаги 5-ўрта мактаб, Марҳамат туманидаги 4-ўрта мактаб, Олтинкўл туманидаги 8-ўрта мактаб командалари ўзаро беллашдилар. Кўрик-танловда ўқувчилар Амир Темур даври ҳаётидан лавҳалар намойиш этишдилар.

Дарҳақиқат, қизиқарли ушбу танлов сўнгида Андижон шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқувчилари юқори балл тўплаб биринчи, 4-ўрта мактаб ўқувчилари иккинчи, 8-ўрта мактаб ўқувчилари 3-ўринларни эгаллашга муяссар бўлдилар.

Ш. КЕЛДИЕВ.

Тадбиркорлар

«ЖОН» ОЛГАН ТЕХНИКАЛАР

«Носоз» ётган техникага «жон» кирганини кўрганмисиз? Гап тадбиркорлик хусусида эканлигини сездингиз-а? Ўқув ва ҳафсала бўлса, носоз жиҳозларни созлаш ҳеч гап эмас, нима дедингиз?

Қушработ тумани халқ таълими бўлими кино идораси билан ҳамкорликда «Фотон» кичик корхонаси тузиш ташаббускори бўлди. Ахир қанчадан қанча маблағлар эвазига келтирилган техник жиҳозлар озми? Махсус ихтисосликка эга бўлмай туриб, техника билан муомалада бўлишнинг оқибатида, бу! Наҳотки, уларнинг у ёқ-бу ёгини кўриб, созлаш мумкин эмас? Албатта, мумкин. Хоҳиш ва ирода бўлса, бас. Мақсадни рўёбга чиқариш учун, аввало, ўқитишнинг техника воситалари марказида икки ҳафталик 72 соатга мўлжалланган намойишчи ихтисослиги бўйича курс ташкил этилди. Курсга 40 нафар мактаб лаборантлари жалб қилинди. Фақат бугина эмас. Ҳар ойда ўтказилаётган семинарлар ҳам тингловчиларнинг билим даражасини оширишга ёрдам бераяпти.

Туман умумтаълим мактабларидаги 185 та «Украина» ва «Радуга» маркали кинопроекцион аппаратлар, 17 лингафон хонаси, 69 та телерадио қурилма, 32 та графапроектор, 12 та эпидопроектор, 16 та диапроектор, 900 нусхадаги турли ўқув фильмлари тааъмирланди. Яроқли ҳолга келган бу техник жиҳозларнинг «тил»га кирганини чинакам муъжиза бўлмаса-да, ўқувчилар учун қизиқарли ва уларни зериктирмайди.

— Вақт елдек утиб кетаверади, — дейди кино идораси директори Боймурод Ширинов. — Бугунги ўқувчи техникани тушуна билса ва ишлата олса, мактабда утган умрига афсусланмайди. Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ишлашимиз тадбиркорликнинг дастлабки қадамидир. «Фотон» кичик корхонаси ходимлари давр тақозо этаётган, ундаётган тадбикорликни ривожлантиришга бел боғлашди. Келажакдаги ишларимиз чакки бўлмаса керак...

Ҳа, яна бир гап. Ўқитишнинг техника воситалари марказида хорижий тилларни ўргатувчи курсни очиш ҳам мўлжалланаётир.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари сони тобора камайиб бормоқда. Улар бизга ғанимат. Қачонлардир келиб, ўша маълум уруш кечинмалари ҳақида сўзлайдиганлар ҳам топилмай қолади. Шукрки, ҳозир қонли жангоҳлардан омон қайтганлар орамизда бор. Шундай экан, улар ҳурматини жойига қўйишимиз, пурмаъно ҳикматларига қулоқ тутиб, тириклик сабоқларини ўрганишимиз лозим.

Абдураҳмон ота ҳам йигитлик даврининг энг гўзал бўлиши керак бўлган дамларини жангу жадалларда ўтказди. Ўлим кўланкаларидан омон қолди. Етти йил ҳижратда юриб, она-юртига қайтди.

Бугунги кунда кексаликка ён бермаган ота-хон эзгу мақсадлар йўлида ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилиб келаяпти. Хатирчи туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги боғида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва байналминал жангчиларнинг учрашувида иштирок этиб, боғбон Абдураҳмон ота Усмонов билан суҳбатлашдим.

БОҒ ЯРАТГАННИНГ УМРИ БОҚИЙ

— Уруш—уруш-да, — дея гап бошлади ота, — унинг асоратларини унутиш қийин. 1943 йили қисмларимиз Польшани ишғол қилгач, 126-ўюшган танк дивизиямиз Белорусь фронти қўмондонлиги ихтиёрида бўлиб, ҳаводан ҳужум уюштирар, гоҳ пиёда аскарлар ортидан ҳужумга киришар эди. Кунларнинг бирида Кенсберг шаҳри учун чунонан жанг бўлдики... Қисмимиз қўмондонлигига шаҳарни тўрт тарафдан ўраб олиш вазифаси юклатилди. Шунинг билан бирга душманнинг қурол-аслаҳалари, ўқ-дорилари жойлашган омборини аниқлаб келиш ва иложи бўлса, портлатиб юбориш керак эди. Буни уддаладик, Кенсберг шаҳрини ишғол қилдик. Жанговар топшириқни муваффақиятли бажарганим учун «Кенсберг шаҳри учун» нишони билан тақдирландим. «Берлин учун», «Ватан учун» орден ва нишонлари ҳам ўша йиллардаги жанговар хизматларим учун берилган...

Урушдан кейин Абдураҳмон Усмонов Самарқанддаги педагогика институтига сиртдан ўқишга кирди.

— Бир куни раисимиз Эргаш ота Лайлиев идорага чақириб қолдилар, — деб эслайди Абдураҳмон Усмонов. — Ўғлим, бир ният билан чақирган эдим. Мана, уруш тугаганига ҳам анча бўлди. Энди халқимиз олдида яратиш, ободончилик юмушлари турибди. Жамоа хўжалигимиз ҳудудидаги мактаб биносини ҳашар йўли билан қурдигу, аммо бино атрофи ўнқир-чўнқир, ташландиқ ҳолда ётибди. Шу ерларни боғ қилсак бўлмасмикан? «Бўлади!» — дедим. Шундан сўнг кўп ўтмай ишга киришдим: тақир ерни тозалаб, чопдим. Самарқанддан шафтоли ва олма кўчатларини олиб келиб экдим. Ашур Олимов, Дада Саидов, мулла Исроил бобо, Жўра бобо, Холмурод бобо каби боғбонлар мен билан бирга ишладилар.

1982 йилга келиб, ҳозирги раис Саъдин ака Расулов Абдураҳмон отага яна 22 гектар ер ажратиб берди. Шу йилиёқ жами 3,5 минг тўп мевали (шундан икки минг тупи олма) кўчати ўтқаздилар. Абдураҳмон ота эккан ниҳоллар барқ уриб ўсди, барчаси ҳосилга кирди.

— Парвариш яхши бўлса, мевали ва манзарали дарахтлар яхши ривож топади, — дейди ота. — Фақат гап юракдан ишлашда. Мевали дарахтни бир кун қаровсиз қолдирдингми, тамом, ундан баракали ҳосил кутиб юрма.

— Шогирдларингиз ҳам кўпми?

— Худога шукр, яратилган боғнинг бир қисмини шогирдим Мингяшар Камоловга топширдим. Қолган қисми эса ўғлим Рашиджонга қарашли. Ўтган йили қарйиб 40 тонна олма ҳосили топширдик.

Абдураҳмон ота ва унинг шогирдлари яратган боғларда сайр қилган кишининг дили яйрайди. Ана шундай пайтда беихтиёр халқимизнинг «Боғ яратганнинг умри боқий» деган ҳикматини эслайман...

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Ҳуқуқий тарбия

ҚОНУННИ БИЛМАГАН ВАТАНПАРВАР ЭМАС

Ривожланган демократик жамиятда қонун ҳукмрон бўлади. Барча ҳаракатлар, ишларни қонун бошқаради. Ҳозир ана шундай жамият қурилишига пойдевор қўйилди. Унинг мустаҳкам бўлиши учун эса давлат фуқароси қонунни яхши билмоғи шарт.

Ўз ҳуқуқини чуқур англаб етмаслик, таъбир жоиз бўлса, ҳали юрагига Ватан ҳиссини тўлақонли сингдира олмагандек назаримда. Ватанни чиндан-да сева олмаганлик эса, ўз қадрининг асл баҳосига етмаслик эмасми? Демак, қонунни билмаган тўла маънода ватанпарвар бўлолмайди. Қаранг, муҳаббат, садоқат, бурч ҳамма-ҳаммаси, албатта, қонунга, ҳуқуқшунослик фанларига ҳам бориб тақалиши яққол сезилиб турибди.

Хуллас, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Аминахон Омонованинг янги авлод ўз ҳуқуқини, давлат қонунларини билиши зарурлиги ҳақидаги фикрлари, бу борада унинг ўрнак олса арзигулик ишларидан хабар топиб, у кишини суҳбатга тортишга жазм этдик.

— Аминахон опа, ҳуқуқшунослик фанининг асосий зарурати хусусида сўзлаб берсангиз.

— Биласизми, ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун, энг аввало, фуқаролар, айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий билим даражаларини юксак поғонага олиб чиқиш талаб этилади. Ҳозирги кунда ҳуқуқий давлат ҳақида жуда кўп гапириляпти-ю, аммо бу соҳадаги билим ва маданиятнинг етишмаслигига деярли ҳар қадамда дуч келинмоқда.

Кўпинча мактаб ўқувчилари у ёқда қолиб, ҳатто ота-оналарнинг ўзлари ҳам жиноят содир бўлган вақтларда аковбгарликнинг 13 ёшдан бошланишини асло билмайдилар. Шундан келиб чиққан ҳолда барчани, айниқса, азиз болажонларимизни ҳуқуқий билим ҳамда маданият сари астойдил етаклашимиз жуда зарур. Токи, ҳақиқий, мустақил, ҳуқуқий давлат қарор топсин. Унда ўзлигини таниган, ҳуқуқий маданиятни ўзида мужассамлаштирган ҳолда истиқомат қилаётган фуқароларнинг тўлақонлилиги давлат сиёсатининг узвий қисмига айлансин.

Бугунги кунда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан давр талаби даражасидаги дастур, дарслик ҳамда кўргазмали қуролларнинг етишмаслиги ўқувчиларга етарли билим бериш имконини бермаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, мазкур фандан мактабларда шу кунгача биз — тарих ўқитувчилари дарс бериб келмоқдамиз.

— Фаолиятингиздаги кўзга кўринган, умуман, тадқиқот, деса арзигулик янгиликлар борасида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири кўпроқ ёшлар орасида авж олиб кетаётган ўғрилик, талончилик, гиёҳвандлик, уларнинг оқибатлари, шу жумладан, қонун, қонун устиворлиги каби зарур тушунчаларни ўқувчи онгига чуқур сингдира олишдан ҳам иборатдир. Биз бу вазифаларни, асосан, 9—10—11-синф ҳуқуқшунослик дарсларида амалга оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Чунки шундай қилинганда қизиқарли, жонли мулоқотни юзага келтириш мумкин. Мулоқот эса ўз-ўзидан фаннинг, берилаётган дарснинг таъсир кучини бир неча баробар оширади.

Бундан ташқари биз 1995-96 ўқув йилида эксперимент тарзида 10-синфлардан ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича махсус гуруҳ ташкил этдик. Мактаб йўналишида ҳуқуқий тарбияни тарғиб қилувчи кабинет йўлга қўйилди. Уринишлар шуни кўрсатдики, синфдан, мактабдан ташқари ижодий мақсадга йўналтирилган дастур асосида ишлар ташкил этилсагина, кўзланган маррага етиш мумкин экан. Шундан келиб чиқиб, биз «Ёш ҳуқуқшунос» тўгарагини ташкил этдик. Тўгарагимиз мустақил иш режасига эга бўлиб, ўқувчиларда кўпроқ оригинал кўргазмалар яратиш қобилиятини аниқлаш, қўшимча адабиётлар устида ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиб бориш каби вазифалар аниқ мақсадимиздир. Ўтган ўқув йилидан бери тўгарак аъзолари 8 марта «Ўсмир ва қонун», «Мен Ўзбекистон фуқаросиман», «Иймон» каби танловларда бевосита иштирок этиб, шаҳар, вилоят мактабларидаги ўқувчиларга нисбатан ҳуқуқий билим даражаси анчагина юқори эканлигини кўрсатишди ва май ойида бўлиб ўтадиган республика кўрик-танловида қатнашиш шарафига муяссар бўлишди.

Эришаётган ютуқларимизнинг асосий манбаи сифатида эса, айнан ҳуқуқшунослик фани учун тайёрланган 80 та кўргазмалар тўпламини кўрсатгим келади. Биз бу кўргазмаларнинг лойиҳалари, қўлёзмаларини ўз машғулотларимиз давомида ўқувчилар билан биргаликда тайёрлаганмиз. Юридик маслаҳатларни эса адлия бошқармасидаги ўртоқлар тинимсиз бериб боришди. Ҳа, айтгандай. Яна бир нарса. Сўнгги пайтда негадир тўгаракка аъзо бўлишга иштиёқманд ўқувчиларнинг сони жуда кўпайиб кетди. Мен шахсан бундан, албатта, хурсанд бўламан, аммо, шароит ҳам керак-ку! Ана шуларни ҳисобга олиб, ҳозирги кунда тўгаракни бутун бир клубга айлантириш режасини тузиб юрибмиз.

— Ёшларга қандай тилаклар изҳор эта оласиз?

— Мен ҳам барча аёллар қатори онаман. Шундай бўлгандан кейин ўз болаларимни суйиб, эркалатишга, уларнинг келгуси тақдири ҳақида қайғуришга масъулман. Истардимки, бу буюк бахт ҳаммага насиб этган бўлсин. Қолаверса, болаларимиз ватанпарварлик, одамийлик, инсоф, диёнат, садоқату муҳаббат бобида олим бўлиб кетишсин. Камолотнинг энг юксак чўққиларини забт этишсин.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Олимжон ҲАЙИТ суҳбатлашди.

Тажриба, синов, натижа

ЎҚИТУВЧИГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Ўқитувчи доимо ўз давридан анча олдинни кура билиши, ёшларга таълим-тарбия беришда жамият талаблари йўналишини яхши англаб етиши лозим. Бу ҳол ундан тинимсиз изланиш ва ўз устида ишлашни тақозо этади. Зеро, таълим-тарбия ишининг сифати биринчи навбатда ўқитувчига, унинг назарий билими ва педагогик маҳоратига боғлиқ.

Ўн саккиз йилдирки, бошлангич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келяпман. Дарсларни сермазмун утказишга ҳаракат қиламан. Ўқувчиларни миллий руҳда тарбиялаш ва аждодларимиз шахсига эҳтиром, она-Ватан тарихини ўрганиш мақсадида 3-синфлар учун «Буюк алломалар» деб номланувчи альбом тайёрладим. Ундан ўз меҳнат фаолиятим давомида тупланган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим каби ўнлаб улуг аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи мақолалар ва расмлар жой олган. Альбомдан бемалол 20-30 дарс соатида фойдаланиш мумкин.

Ўқиш ва ўзбек тили дарсларида «Сонли топишмоқ», «Бегона», «Сирли сандиқ» ўйинларини тез-тез қўллашим натижасида шу фанларга нисбатан ўғил-қизларда қизиқиш ортмоқда.

Бир соатлик дарснинг дам олиш бекатида ўқувчиларим диққатини математик ўйинларга қаратаман:

Азиз ўқувчилар! Мана, бу «Сирли жадвал» (у махсус плакатга ишланган) эртакларда тасвирланган учар гиламлар, учар супургилар каби сеҳрлидир. Унинг сири шундаки, сиз узингиз ўйлаган соннинг қайси (А,Б,В,Г,Д) устунларда борлигини айтсангиз, мен уни «Сирли жадвал» сеҳри билан топа оламан.

Ўқувчиларимнинг кўзлари чақнаб, бир зумда чарчоғи ёзилади. Биринкетин ўзлари ўйлаган сонлар қайси устунларда иштирок этаётганини айта бошладилар. Мен эса улар ўйлаган сонларни топавердим. Натижада улар бу жадвалнинг сеҳрли эканлигига ишонишди, унга нисбатан уларнинг қизиқиши, ҳайрати ошди. Бу нарса ўқувчини ҳам, ўқитувчини ҳам ўзидан янада чуқурроқ изланиш сари ундайди.

Шу билан бирга математика фанида «Улчов бирликлари» номли ҳаракатли альбом, «Ажойиб жадвал», «Қизиқарли масала-мисоллар» номли ҳар бири 9-10 соатга мўлжалланган кўргазмалар ўқувчиларда бевосита мустақил фикрлаш ҳиссини уйготади. Масалан, 8 та 8 дан 1000 ясанг, 888 + 88+ 8 + 8 + 8 = 1000 еки яна қандай 3 соннинг купайтмаси уларнинг йиғиндисига тенг? 1 x 2 x 3 = 6 еки 1 + 2 + 3 = 6

Бугунги кунда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ёшларга ўргатиш замон талабларидан биридир. Шу сабабли ёш авлодга бу алифбодан сабоқ беришга киришдим. Ўқувчиларга янги алифбони пухта ўргатиш учун «Рангли алифбо» китобини ёзиб, бугунги кунда ундан унумли фойдаланаяпман...

Мен ҳамиша умумий таълимнинг асоси булган бошлангич синф машғулотлари самарадорлигини ошириш доимо диққат марказимизда булиши керак деб ўйлайман.

Амина ОРЗИЕВА,
Навоий вилояти Навоий туманидаги Бобур номли мактабнинг олий тоифали бошлангич синф ўқитувчиси.

ЖАДИДЛАР ВА

ЁХУД НЕГА УЛАР ҒАЛАЁНГА

Император Николай II нинг «Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия ҳудудларида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш» ҳақидаги 1916 йил 25 июнь фармони Туркистон халқини ғалаёнга келтирди. «Эр ва болаларимизни мардикорликка бермаймиз» дея, Хўжанд, Жиззах, Каттақўрғон, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Қўқон, Наманган каби шаҳарлар аҳолиси қўзғолон кўтардилар. Бутун улкани оёққа турғизган бу «қўзғолон ўз-ўзидан бошланиб, тарқоқ ҳолда утди». «Тош, гишт парчаси, таёқ, болта, темир-терсак ва бошқа оддий нарсалар билан қуролланган оми омма милтиқ, тўппонча, қилич, пулемёт ва тўпларга эга бўлган империя қўшинларига қарши ўзлари билганича кураш олиб бордилар». Натижада қўзғолон бир ойлар чамаси давом этиб, яна қон билан бостирилди. «3 мингдан ортиқ киши судга берилиб, улардан 347 таси осиб ўлдиришга ҳукм этилди».

Мазкур ҳодисани миллий-озодлик ҳаракати сифатида баҳолаган деярли барча манбаларда жадид зиёлиларнинг шу пайтдаги позицияси кескин қораланади. Улар Миллат манфаатларига хоинликда айбланади.

Ҳақиқатан ҳам бу ҳаракатда жадид зиёлилари, асосан, тесқари йўл тутдилар. Ғалаёнларни тинчлантиришга, аҳолини тўқнашувлардан тутиб қолишга интилдилар. Бу манзара илмий-тарихий адабиётлардан ташқари Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида ҳам аниқ ифодасини топган. Жадидлар ҳатто мардикорликка сафарбарликнинг барбод бўлиши чор армияси жазо отрядларининг шафқатсиз ваҳшийликлар қилиши учун қўл келишини сезиб, бу «кампания»ни ҳам маънавий, ҳам амалий йўллар билан қўллаб-қувватладилар. «Туркистон вилояти газети»да шу кунлари улар императорни олқишлаб шеър ва мақолалар эълон қилдилар, мардикорликка чорловчи хитобномалар тарқатдилар, «маҳаллий ёрдам комитетлари» тузиб, мардикорларни тўплаб жўнатишга кўмаклашдилар.

Табиий савол туғилади: нима сабабдан миллий мустақиллик гояси учун жонбозлик кўрсатиб, фидойилик қилаётган маҳаллий жадид зиёлилар пировардида шу мақсадга йўналтирилган миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватламадилар, балки аксинча, унга қарши бўлдилар? Бу саволни икки муҳим жиҳатга кўра ҳал этиш мумкин.

Биринчиси, юқорида мисоллар билан қайд этганимиздек, жадидлар курашнинг сиёсий-маданий йўлларини кузлаган эдилар. Уларга аввалги халқ исёнларининг аччиқ тажрибаси сабоқ бўлган эди. Фитрат айтмоқчи: «Зотан қурол кучи билан бир миллатни йўқ этмак қўлай, бор этмак мумкин эмасдир. Қурол кучи билан ҳеч бир жамоатни маданият сари жўнатиб бўлмайди» Жадидларнинг қатъий ақидаси шу эди.

Иккинчидан, 1916 йил қўзғолони «стихияли, тарқоқ ҳолда» бўлган дейилса-да, уни оловлантирган ўз «идеолог»лари ҳам бор эди.

1916 йил қўзғолони билан боғлиқ ҳужжатлар тўпламида Фарғона губернатори, подполковник Ивановнинг ҳисоботи келтирилади. У исён сабабларини изоҳлаб, шундай ёзади: «... ерли халқнинг рус таъсирига сира тушмаган вакиллари — руҳонийларни характерлаб ўтишни вақтли ҳисоблайман. Бу группага мачит-мадрасаларнинг домла-муллалари, қориваччалари, сонсиз-саноқсиз мадраса ва мактабларнинг муаллимлар синфи, маддоҳлар, мусулмон курашчан суфизмининг вакиллари — эшонлар ва уларнинг муридлари, суфилари кирадилар. Бутун бу группа улканинг қўлга олинишининг бошиданоқ мусулмонларнинг ҳурлигини йўқотганлиги, кофирлар ҳокимияти қўлига қолгонидан фарёд қилиб қолди». Ана шу фарёд 1898 йили «ғазавот» шиори билан Дукчи эшонни қўзғолонга бошлагани каби, 1916 йилда ҳам «баҳонаи сабаб» руҳонийларнинг яна шу шиорни ўртага ташлашлари учун имкон яратди.

Жадидчилик ҳаракати тарихидан маълумки, руҳоний-уламолар билан жадид зиёлилар муносабатлари ҳаракат туғилган илк даврлардаёқ фавқулодда кескинлик билан давом этиб келди. Деярли барча тараққийпарварлар матбуот орқали чиқишлари, бадиий асарлари, амалий фаолиятларида эскилик тарафдорларига танқидий муносабат ошкора ифодаланади. «Қадим-жадид» муносабатлари шу қадар муросасиз тус олган эдики, ҳатто «муллаларга қарши уюшмамиз ҳам вужудга чиқди» деб ёзган эди А. Авлоний. Бир миллатнинг икки қарашдаги зиёлилари ўртасида мавжуд зиддият мураккаблаша бориб, охир-оқибат 1917 йил февраль—октябрь оралиғида Туркистоннинг кейинги етмиш беш йиллик тарихининг қизил мустамлака шаклида кечишига сабаб бўлди. Жадидлар, тараққийчилар «Шуройи исломия» партиясига, руҳонийлар эса «Уламо» жамиятига ажралишиб, асосий душман урнига узаро курашни авж олдирдилар.

Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, 1916 йилги қўзғолонга руҳонийлар бош қўшгани ҳам жадидларни бу ҳаракатдан четда туришига сабаб бўлган. Аниқроғи, «қадимчи»лар халқни яна бир самарасиз қиргинга ундаган эдиларки, оқибат жадидларнинг сиёсий кураш усуллари ҳам тақиққа учраб, ўлкада реакцион тартиблар ўрнатилиши мумкин эди. Шу боис тараққийпарвар чор маъмурларининг сафарбарлик ҳаракатларига ёрдам қилдилар, ҳатто «бургага аччиқ қилиб, қўрпа куйдириш»га мойил бўлиб турган ҳарбийларнинг бирор баҳона топишларидан ёки руҳонийларнинг яна бир масъулиятсиз тадбирларидан эҳтиётланиб, бу ишларга бошчилик қилдилар. Зеро, ғиннинг олдини олиш учун халқни тинчлантиришга ва чор маъмурларининг кескин ҳарбий ҳаракатларини тийишга уриндилар. Биринчи навбатда ўзлари бош бўлиб, мардикорликка сафарбарликни уюштиришга киришдилар. Махсус «маҳаллий ёрдам қўмиталари» тузиб, сафарбарликни адолат билан амалга оширишга ва ҳатто воқеалар иштирокчиси А. Қамчинбек ёзганидек «турончиларнинг ўз кишилари саналган Мусахонуф (Мусахон Мирзахонов, «Турон» театр труппасининг аъзоси) каби вакилларини мардикорларга қўшиб Россия шаҳарларига жўнатдилар. Айни пайтда жадидлар қўзғолон иштирокчилари тақдирини уйлаб, маъмурларнинг шафқатсиз ваҳшийликларининг олдини олиш учун Россия Давлат Думасига бир неча бор мурожаат қилдилар. Туркистондаги ҳақсизликларни ўрганиш учун махсус комиссия тузилишини талаб этдилар. Ниҳоят Уб

Сиртқи дарс

26. ХОНДАМИР

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларни темурийлар даврининг машҳур тарихчиси Хондамир ҳаёти ва ижоди билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларда ўтмиш мутафаккирлари ижодига қизиқиш уйғотиш. Бу эса мустақиллигимиз мафкурасининг асосларидан биридир.

Дарс режаси:

1. Хондамирнинг ҳаёти.
2. Муаррихнинг илмий мероси.
3. Хондамирнинг эстетик қарашлари.

Хондамирнинг тўлиқ исми Ғаёсидин ибн Ҳумомиддин Муҳаммад ибн Хожа Жалолиддин Муҳаммад ибн хожа Бурҳонидин бўлиб, Хондамир унинг тахаллусидир. У 1475 йилда Ҳиротда туғилган. Отаси Султон Абусаиднинг ўғли Султон Маҳмуднинг вазири эди. Онаси эса машҳур муаррих Мирхонднинг қизи бўлган. Хондамир тарих, адабиёт ва иншо илмларига қизиқиб, Алишер Навоий ҳомийлигида вояга етди. Бу ҳақда Хондамир: «Тарих ва хабарларни ўз ичига олган ул бузруквор (Алишер Навоий) кутубхонасида мавжуд бўлган ҳар бир китоб бу гадонинг ихтиёрига топиширилди», — деб ёзади. У ўзининг илмий ишларида муттасил валинеъмати маслаҳатлари асосида иш тутди. «Асар ёзиш хаёлини ул фазлу камол доирасининг нуқтасига етказганимда қабул ва розилик топиб, шу номдор номани иншо қилишга ижозат олдим».

Хондамирга бобоси Мирхонд билан «Равзатус-сафо» асарини ёзиш жараёнидаги ҳамкорлиги ҳам катта мактаб бўлди. Хондамир ўз бобоси тўғрисида ёзади: «Ушбу сартларни рақам қилувчи ул ҳазратнинг чин фарзандидек эди ва густохлик тили билан ўзимни ул зотнинг шогирдлари қаторида санар эдим. Субҳоналлоҳ, ғалат гапирдим қатра ўзини дарёга нисбат берса, айни беадаблик бўлади. Зарранинг ўзини Қуёшга қиёслаши ажабланарли бир ҳолдир.

Чин нисбат зарраро бо меҳри анвар,
Намешояд хазаф дар иқди гавҳр.
Агар ҳоҳадки бошад обирўйам,
Ҳамегўйам, ки ман шогирди ўйам.
на шогирдам, ғуломи камтаринам,
Ба гарди хирмани у хўшачинам.

Зарранинг нурафшон қуёшга не нисбати бор? Эшакмунчоқ гавҳар шодасида ярашмагай.

Изн берсалар, шогирдман десам,
Менинг учун обрў бўларди.
Шогирд эмас, камтарин ғуломидурман.
Унинг хирмани атрофида бошоқ терувчиман.

Алишер Навоий вафотларидан сўнг Хондамир она юрти Балхга кетиб, Бадиуззамои мирзо (1458 — 1511) хизматида бўлди. 1506 йилда Ҳиротга қайтди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан курашларида иштирок этди. 1516 йилда Ҳиротдаги Хуросон ҳокими Дурмишхоннинг вазири Амир Ҳабибулло Саважий хизматига кириб, 1523 йилда унга атаб ўзининг «Ҳабибус-сийяр» асарини ёзади.

1527 йил ёзида Хондамир Ҳиндистонга кетишга қарор қилади. 1528 йил 18 сентябрда Ауд шаҳрига Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига келди. Ҳиротлик машҳур шоир Шаҳоб Муаммоий ва Ҳиротдаги Султония мадрасаси мударриси амир Иброҳим Машҳадий ҳам у билан бирга бу ерга келадилар. 1528 йил 19 декабрь куни Аградаги Боғи Беҳиштда Бобур улар шарафига зиёфат беради.

Бобур вафотидан сўнг Хондамир тожу тахт вориси Носируддин Ҳумоюннинг хизматида бўлди.

Хондамир 1535 йили вафот этди. У Деҳлида дафн этилади. У ўзидан жуда бой илмий мерос қолдирди. Хондамир Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўз ичига олган ўнга яқин йирик асар яратди:

1. «Хулосатур — ахбор фи аҳволил — аҳйор» («Олижаноб кишилар аҳволидан хабарлар хулосаси»). Бу асар 1498 — 1499 йилларда Алишер Навоий илтимосига кўра ёзилган. Асар муқаддима, ўн боб ва хотимадан иборат. Асарнинг ўнинчи боби Султон Ҳусайн мирзо (1470 — 1506) ҳукмронлиги тарихидан иборат. Хотимасида эса Ҳирот шаҳри ҳудуди ва ташқариси бинойи хайрлари, шунингдек замондош олиму фозиллар, хаттот, мусаввир, мусиқашунослар ҳақида ҳикоя қилинади. Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий, атоқли фақиҳ Ихтиёриддин Ҳасан, «Ихлосия» мадрасасининг мударрислари мавлоно Ғиёсиддин Хайрободи, мавлоно Муҳаммад Ҳанафий; мавлоно Муҳаммад Табризий «Дорушшифо» мударрислари мавлоно Муҳаммад Муин, Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад табиблар ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

2. Дастурул — вузаро» («Вазирлар учун дастур»). Бу асар Хондамирнинг мураббийси Алишер Навоий билан ҳамкорликда 1500 йили ёзиб тамомланади. Унда Шарқ мамлакатларида ўтган вазирлар ҳақида қисқача маълмот берилган.

3. «Маосирул — мулук» («Подшолар замондошлари»). Асар 1500 йили ёзилган. Бу асар бизгача етиб келмаган.

4. «Ҳабибиус сийяр фи ахбору афодул — башар» («Хабарлар ва башарият одмаларидан дилга яқин сийратлар»). Асар 1515 — 1523 йилларда ёзилган. 1528 — 1535 йилларда эса муаллиф уни қайта кўриб, тўлдиради. Унда қадим замонлардан XVI асрнинг биринчи чорагигача бўлган Марказий Осиё тарихи баён этилади. «Ҳабибус-сийяр» муқаддима, хотирма ва уч бобдан иборат.

Биринчи боб қадимдан то араб халифалигигача бўлган давр тарихидир.

Иккинчи бобда араб халифалигидан Марказий Осиёда IX — XI асрларда ташкил топган мустақил давлатлар — тоҳирийлар, саффорийлар ва сомонийларгача бўлган воқеалар баён этилган.

Учинчи боб Чингизхон ва унинг авлодлари, қорахитойлар, хоразмшоҳлар, сарбадорлар ва темурийлар тарихидан иборат.

«Ҳабибус-сийяр» муқаддимасида оламнинг яратилиши, хотимада эса жаҳоннинг ажойибу ғаройиботлари хусусида гап боради.

Асарнинг учунчи боби, хусусан унинг 3-ва 4-қисм (жуз)лари оригинал бўлиб, унда XV аср охири ва XVI аср бошларида Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи кенг ва атрофлича баён этилади. Айниқса, Моваройуннаҳр ҳудудидаги воқеалар тафсили муҳимдир.

... Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад 1494 йил июль ойида Умаршайх Мирзога қарши юришдан қайтишда Ўратепада вафот этди. Самарқандни Термиз, Чағонийон, Ҳисор, Хутталов, Қунзуз, Бағлон ва Бадаҳшон вилоятлари ҳокими бўлган иниси Султон Маҳмуд эгаллади. У Бухорога ўғли Бойсунқурни ҳоким қилиб тайинлади. Султон Маҳмуд 1494 йил декабрида вафот этгач, Бойсунқурга қарши тархоний амирлар исён уюштирдилар. Бундан фойдаланган Султонали Мирзо Бухоро тахтини эгаллади.

Бундай тартибсизликлар Хуросонда ҳам давом этарди. Шайбонийхон бу ҳолдан усталик билан фойдаланди...

«Ҳабибус-сийяр» матни 1854 ва 1953 йили Теҳронда, 1858 йили Бомбайда чоп этилган.

5. «Мақоримул-ахлоқ» («Карамли ахлоқ»). Алишер Навоийга бағишланган бу асар 1501 йилда ёзилган. Хондамир бу асар ҳақида: «Ушбу китоб амир Алишер Навоийнинг юксак фазилатлари ва олижаноб ахлоқи, шеърлари ва бошқа адабий асарлари... ҳамда қурдирган иморатларини тавсифловчи махсус рисола...» — деб ёзади. Асар ўн боб, муқаддима ва хотимадан иборат.

6. «Номайи номий» («Машҳур номалар»). Асар тўққиз бобдан иборат бўлиб, қадимдан то 1522 йилгача мусулмон мамлакатларида иншо илмида қалам тебратган етук олимлар ва фозиллар ҳақида ҳикоя қилади. Ундан ташқари, турли подшо, Султон, амир, садр, қози, шоир ва бошқаларнинг мактуб, ёрлиқ ва фармонларидан намуналар келтирилади. Жумладан, Хондамир ўзининг Камолиддин Беҳзод ўз асарларидан жамлаган мураққага ёзган муқаддимасининг матнини келтирган. Муқаддима «Етуклик манбаи ва ҳақиқати бўлмиш устод Беҳзод жамлаган мураққа мартабаси тавсифида» деб номланади. Унда Хондамирнинг эстетик қарашлари ўз ифодасини топгани учун ундан парчалар келтирамиз:

«Наққоши азал қушод чун чеҳраи меҳр,
Орост мураққайи зи авроқи сипеҳр.
Тасвир дар он намуд берангу қалам,
Чандин санами жилвагари равшанчеҳр».
(«Азал наққоши қуёш чеҳрасини очиши билан,
Осмон варақлардан бир мураққани безади.
Унда бўёғу қалам ишлатмай тасвир кўрсатиб
Порлоқ чеҳрали бир неча санамлар жилвагар»).

Назири йўқ мусаввир ва борлиқни яратгувчининг умумга тегишли комил иродаси дунё корхонаси суратлари ижодига киришди. Азалий иноятнинг чеҳра очувчи карамли қалами билан инсон пайкаридан мураққани «сувратларингиз энг гўзал сувратлардир» оятига мувофиқ жуда ҳам соз чеҳрали бир тасвирни чекди. Мақбул хислатли бу тоифа ҳали жамолига турли ғаройиб илмлар зевари ва турли навдаги ажойиб санъатлар зийнати билан оро берди. Уларни «Биз халқ қилганарнинг кўпчилигига яхшилик қилдик» карматли калимасига биноан қадрлади...

«Қалам билан чизадилар ояти» ҳатфазли ва шарофати баркамоллиги бўлиб, «қалам билан ўргатди» ояти унинг китобат билан боғлиқ фазилатларининг кўплигидан киноядир. Байт:

Ҳаззи хат нек ба назди хирад,
Беш буд зи он че гумон мебарад.
(Ҳат завқи ақлу ҳуш учун яхши,
Хислати эса гумон қилинганидан ҳам ортиқ).

Нақш ва тасвирдан инсон нафсининг лаззатланиши шу важдан, ки амиру вазир, бой ҳам фақир ҳолатлари суврати таҳририга эҳтиёж қолдирмайди. Бу нодир санъат зебу зийнатининг завқу роҳатбахшлигини, бироз бўлса-да, қалам билан васф этиш амри маҳол. Шу сабабли олам яратилишининг аввалидан бошлаб олий қадрли ОДАМ, фозиллар доимо қалам ёрдамида мана шу муқаддас иш — тасвиру хат ёзиш билан шуғулланиб келадилар. Камолот ва афзаллик майдонида, маҳорат ва фазилат уфқида пешволик гултожини шу ҳунарлар устодлари ёки улар яқинларидан мерос олганлар. Чунончи, мазкур табақа баъзиларининг номлари бу мураққа муқаддимасида ўз мартабалари мавқеида зикр этилган. Уларнинг гўзалликлар яратувчи қалами маҳсули бўлган мўътабар руқъа хатлар ва машҳур суратлар бу варақларда зийнат топган. Суратлар нафосатининг жилоси ва ҳунар нодирликларининг рамзи бўлмиш ушбу мураққанинг жамловчиси комил мусаввирлар ва фозил ҳунармандлар сирасидан асрнинг соф нодири, муҳаббат ва дўстлик маслаги тариқининг эътиқодлиси устоз Камолиддин Беҳзоддир.

Хондамир яна «Қонуни Хумойун» деган асар ёзган бўлиб, унда Хумойун томонидан ислоҳ этилган давлатни бошқариш тартиблари, қўшинларининг тузилиши ўз ифодасини топган.

Кўрганимиздек, Хондамир етук тарихчи бўлиб қолмасдан, ажойиб адиб, фасоҳатли шоир ва илғор фикрли нафосатшунос ҳам бўлган.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Тошкитоб

МОЗИЙ НАСИМЛАРИ

Қадимги туркий битиктошлар (урхун-энасой битиктошлари деб ҳам юритилади) Мўғулистон, Сибирь, Турон ҳудудларидан топилган. Араблар истилосига қадар ота-боболаримиз шу ёзувлардан фойдаланганлар. Ёзув араб ёзуви сингари ўнгдан чапга қараб битилган. Аммо бир мураккаб томони шуки, бу ёзувда сўз бошида «а» унлиси ифодаланмайди, аммо қўшиб ўқиш керак бўлади. Сўз ўртасида ҳам кўпгина унлилар тушиб қолади. Қисқаси бу ёзув араб ёзувига нисбатан анча мураккаб. Шу сабаб бўлса керак, кўпчилик урхун-энасой ёзуви билан шуғулланиш учун ўзида журъат сезмади.

Лекин ёш бўлишига қарамасдан Носимхон Раҳмонов шу ёзувни мустақил ўрганиб, илк бор «Тошга битилган китоблар» (1983 йил) рисоласини яратди. Мазкур рисола Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Азизхон Қаюмовнинг «Қадимият обидалари» (1972 йил) китобидан сўнг халқимиз қўлига етиб борган иккинчи китоб эди. Рисоланинг мақсади кенг жамоатчиликни қадимги туркий битиктошларнинг мазмуни, туркий қабилаларнинг маданий-маиший турмуши билан таништириш эди.

Урхун-энасой битиклари мармартошларга, ёғочларга, қояларга, идиш-товоқларга ёзилган ўзига хос Тош китобдир.

Н. Раҳмоновнинг «Инсон руҳининг садоси» (1986 йил) рисоласи IX асрнинг биринчи ярмида яратилган Ирқ битиги (Фол китоби)ни кенг жамоатчиликка етказишга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир.

Марказий Осиё ҳудудларига ҳинд, суғд савдогарларининг кириб келиши маданий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Хусусан, христианлик, монийлик, буддизм каби диний оқимлар ёйила бошлади. Баъзи диний оқимлар Марказий Осиё аҳолиси орасида тарқалиб, мустаҳкам ўрнашди. Моний дини ана шулардан биридир. Монийликнинг моҳияти шундан иборат эдики, коинотда нур билан зулмат, руҳий асос билан моддий асос, яхшилик билан ёвузлик ўртасида муттасил кураш боради. Бу динни туркийлар қабул қилдилар. Хрстианлик эса шуҳрат қозона олмади.

Мазкур динлар қадимги туркийларнинг ёзма адабиётига ҳам таъсир этмай қолмади. Ирқ битиги — шомон ва моний динини ўзида бириктирган асар. Н. Раҳмонов Ирқ битигидаги ҳар бир ҳикоячанинг туб илдизларини очиб берган, дин адабиёт тараққиётида қанчалик хизмат қилганлигини кўрсата олган.

Рисоладаги Ирқ битигининг баъзи парчалари билан скифлар маданияти, дунёқараши ўртасидаги ўхшашликни муаллиф бир асосга эга деб қараган эди. Бу қарашларини далиллаш учун олим кўп манбааларни ўрганган, тасвирий санъат асарларини, асотирларни жалб қилган. Шу тариқа скифлар туркийларнинг аждоди эмасмикан, деган мулоҳазани ишора қилиб ўтади. Аммо фикрига ҳеч қачон хулоса қилиб якун ясамайди. Бу ҳам илмий одоб доирасига киради. Чунки қарашларини инкор қиладиган далиллар топилиб қолса, олим ҳижолатда қолади, ўз қарашидан воз кечиши қийин бўлади. Натижада кўпчилик чалғийди.

Урхун-энасой битиктошларини дунёдаги туркшунос олимларнинг баъзиларигина ўрганишади. Аммо ҳаммасининг ҳам ўз йўналиши бор, бир-бирини такрорламайди. Н. Раҳмоновнинг урхун-энасой битиктошлари юзасидан олиб борган кенг қамровли тадқиқотлари Россияда ва туркий республикаларда шу соҳа мутахассисларининг юқори баҳосига сазовор бўлган. Ҳақиқатан, муаллифнинг «Қултигин ёдномасининг поэтикаси» (1989 йил) ва «Кўҳна битиктошлар» (1991 йил) монографиялари билан танишган киши бунга амин бўлади. «Қултигин ёдномасининг поэтикаси» монографияси билан танишган киши бунга амин бўлади. «Қултигин ёдномасининг поэтикаси» монографияси энг йирик битиктошлардан бирининг бадиийлигига бағишланган.

Қултигин турк хоқонлигининг лашкарбошиси бўлган. Бу хоқонлик эрамизнинг VI—VIII асрларида Марказий Осиёда барпо бўлган эди. Битиктош 731 йилда Қултигиннинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган. У фақат қабр тоши бўлибгина қолмай, юксак савиядаги бадиий асар ҳамдир. Н. Раҳмонов битиктошни худди шу нуқтаи назардан ўрганади, ёзма адабиётнинг пайдо бўлиш қонуниятлари, туркийлар маданий ҳаётида тутган ўрни ҳақида тўлақонли фикр юритади. Улардаги бадиий воситаларнинг кўп томонлама вазифаси (ғоявий ва шаклий) ҳақида чуқур мушоҳада юритади. Туркий халқларнинг ёзма адабиёти XI асрдан эмас, балки VII—VIII асрдан бошланган, деган фикрни ўртага ташлайди.

«Кўҳна битиктошлар» монографияси билан эса Н. Раҳмонов қадимги туркий адабиётнинг шаклу шамойили, бу даврдаги сўз санъати, халқ оғзаки ижоди, қадимги туркийларнинг оламни англаш тамойилларини битиктошлар орқали талқин қилади.

Мифология — ҳар бир халқнинг бадиий дидини, дунёни англаш мезонини кўрсатувчи асосий белгилардан бири. Н. Раҳмонов битиктошлардаги мифология ҳақида сўз юритганда, биринчидан, битиктошларнинг ёзма адабиёт сифатида шаклланишида уларнинг ролини, иккинчидан, қадимги туркийларнинг фалсафий қарашларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Сибирь туркий халқларининг эпослар билан битиктошлардаги мифологиянинг уйғунлиги ҳақида тўхталиб, мифологик образлар уч қаватли олам моделини гавдалантиришни далиллайди. Ўз қарашларини исботлаш мақсадида туркий афсоналарни келтиради. Битиктошлардаги мифология диний тасаввурлардан бутунлай узоқ бўлган, дейди муаллиф. Бу билан Н. Раҳмонов, туркий асотирларни ўрганишда янги йўналишни бошлаб берди, дейиш мумкин. Булардан ташқари, олим йирик урхун битикларини, баъзи энасой битикларини ўзбек тилида «Қадимий ҳикматлар» китобида (1987 йил) чоп эттирган эди.

«Битиклар оламида» рисоласида эса туркийлар тарихи, уларнинг ғоявий-сиёсий қарашлари, туркийлар, ва манқуртлар муносабатини қизиқарли баён этади.

Насимхон Раҳмоновнинг тадқиқотлари нафақат ўзбек филологиясида, балки умумтуркшуносликда ҳам салмоқли ишлардан ҳисобланади. Унинг тадқиқотлари кенг илмий жамоатчилик, ижодий уюшмалар томонидан яхши баҳоланмоқда. Олимнинг 1993 йилда Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриётида чоп этилган «Турк хоқонлиги» китоби ҳам қадимги турклар тарихини ёритган энг мукаммал ишларидан биридир. Китобда аниқ манба ва матнларга таяниб, муайян хулосалар баён этилган. Маълумки, V—VII асрлар Марказий Осиё ва умуман турк тарихида Ашин уруғи етакчи мавқега кўтарилди.

Лекин бир қанча олимлар, жумладан Л. Н. Гумилев ашинларни келиб чиқиши жиҳатидан мўғулларга боғлайди. Насимхон Раҳмонов атоқли тарихчининг бу фикрларига қўшилмайди ва Л. Н. Гумилев асос қилиб олган ашин тилидаги мўғулча унвонларни умумий Олтой бобо йили билан изоҳлашни ўринли деб топади. Муаллифнинг «Турк хоқонлиги» китобида ҳам эътиборга молик яна қатор катта илмий ғоялар мавжуд.

Назаримизда замон, филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмоновнинг зиммасига янада масъулиятлироқ вазифалар юклайди. Зеро, бугун шиддат билан ўсаётган халқ онги, тобора кенгайиб бораётган дунёқараши олис ўтмиш, бугун ва келажакка бўлган қизиқиш тадқиқот ишларини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ.

Пойтахтимиздаги 3-болалар боғчасига йўлингиз тушса, албатта, бу боғча тарбияланувчиларини қувноқ бир руҳ билан қўшиқ айтаётган, рақсга тушаётган ё бўлмаса баҳслашишаётган бир ҳолатларининг устидан чиқасиз. Чунки улар тарбия жараёнида турли тўгаракларга қатнашиб, билимлар маскани мактабга қизғин тайёргарлик кўриб борадилар. Ундан ташқари, ўзларининг топқир ва зукко эканликларини турли беллашувлар орқали ҳам синовдан ўтказиб туришади.

СУРАТЛАРДА: боғча ҳаётидан лавҳалар.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ҳайрат

ДУОЛАР ИЖОБАТ БЎЛСИН

Дунёда инсон учун савобдан-да улуғроқ, қудратлироқ фазилат бўлмаса керак. Чунки ширин сўз, ростгўйлик, самимийлик, меҳр, умуман, тушунчамиздаги ҳар бир яхшилик уткинчи умримизнинг энг ноёб безагидир.

Фарғона вилояти Бувайда туманидаги «Наргиз» хусусий фирмасига қарашли «Наргиз» гуруҳи ана шундай ҳожатбарор жамоаларнинг биридир. Гуруҳ истеъдодли хонанда Аъзамжон Топиволдиев раҳбарлигида қисқа вақт ичида кўпроқ халқ йўлидаги, жозибадор қўшиқларга йўналтирилган бой, ранг-баранг репертуарга эга бўлди. Аъзамжоннинг ширали овози эса ҳар бир тингловчининг қалбига ширин туйғуларни олиб кира олади, десак хато бўлмайди.

«Наргиз» гуруҳининг эътиборли томони шундаки, улар асосан педагоглар жамоаларига беминнат хизмат қилишади. Ўқитувчилар, ўқувчилар, боғча тарбиячиларининг тадбир, таваллуд кунлари, ҳатто тўю-томошалари уларсиз ўтмайди.

Ана шундай хизматларнинг, айниқса, бепул амалга оширилаётганлиги биргина бизнинг эмас, балки тумандаги барча педагогларнинг, болажонларнинг чексиз таҳсину дуоларига муносибдир. Кўпнинг дуоси эса, албатта ижобат булади.

Дилдора МИРЗАКАРИМОВА.

1916 ЙИЛ ҚЎЗҒОЛОНИ

ҚАРШИ ЧИҚДИЛАР

ганини расман эътироф этади.

Россияда инқилобий воқеаларнинг авж олиши қўзғолон тараддуротидан ҳали бегоналашиб улгурмаган халқ ва зиёлиларни янги сиёсий бўҳронлар гирдобига ташлади. Дума йўли билан илк бор ижобий натижага эриша олган жадидлар қирғинбаротсиз сиёсий кураш усулларидан фойдаланишда давом этдилар. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг «Турон» жамияти негизида ўлканинг барча табақа вакилларини қамраб ололган «Шурои исломия» партияси тузилди. Бироқ кўп ўтмай «қадим — жадид» низоси янада зўрайиб, муросасиз тус олди. Руҳонийлар ажралиб «Уламо» жамиятини барпо этдилар. Бир миллат вакилларининг ўзаро адоватлари охир-оқибат Октябрга келиб, ҳокимиятнинг большевиклар қўлига ўтиб кетишига имкон яратди. Шундагина Туркистоннинг янги — қизил шаклдаги истибдод комига яна тортилаётганини сезган уламо ва тараққийпарварлар ҳақиқий душман ким ва унга қарши курашиш чораларини муштараклаштириш лозимлигини англаб етдилар. 1917 йил ноябрь сўнгида Қўқонда «Туркистон мухторияти» деб номланган иккинчи бир ҳокимият таъсис этилди. Умумтуркистон манфаатларини ўзида аск эттирган бу ҳукумат тўла қонуний бўлиб, жадидчилик ҳаракати антиколониал йўналишининг табиий натижаси, алалхусус, авж нуқтаси эди. Кучлар нисбатининг тенг эмаслиги ва буткул барҳам топмаган ички ихтилоф боис бу ҳукумат 1918 йил февраль ўрталарида большевиклар томонидан ваҳшиёна тугатилди. Айрим раҳбарлари отилди, қамалди, баъзилари эса қочиб қутулди. Яна бир қисми ва жойлардаги хайрихоҳлари қуролли тўдалар тузиб, турли зарбалар беришга, халқни советларга қарши оёқлантиришга уринди. Аксар жадид зиёлилари маориф ва мафкура, жумладан, матбуот, адабиёт ва санъат соҳаларида кескин ғоявий курашни давом эттирдилар. Бунинг яна бир сабаби Совет ҳокимияти урнатилгач, большевистик зуравонликнинг, талон-торож ва очликнинг авж олиши эди. 20-йилларнинг бошларида Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси бўлган Қайғисиз Отабоев бу ҳолни шундай изоҳлаган эди: «Бизнинг «Йўқолсин эски дунё, йўқолсин буржуазия!» деган шиорримиз ҳаётга тахминан қўйидагича жорий этилди. Биз эски дунё деганда барча мачит ва мадрасаларни тушундик ва уларни бекитиб қўйдик; қози ва уламоларни ҳибсга олдик; диний хурофотга қарши курашимиз шундай ўз ифодасини топдики, Марғилонда Совет ҳокимиятининг вакиллари мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръонни ёқиб юборишди; Андижондаги Жомеъ масжиди мусулмон отрядларининг қўналгаларига айлантирилди ва у ерда баччавозлик авж олиб кетди.

Бизнинг отрядларимиз масжидларга ҳужум қилиб, намоз ўқиб ўтирган эшон ва уламолар устига бомбалар ташлашди. Натижада уламо ва эшонларнинг ҳаммаси босмачилар томонига ўтиб кетишди.

Маҳаллий бойларни Оврупо буржуазияси қаторида ҳисоблардик ва ҳибсга олиб, авахта қилдик...

Шулар билан музовий равишда ғалла монополияси, озиқ-овқат тақсимоти каби тадбирларни амалга ошира бордик, натижада барча деҳқон ва ҳунармандлар совет тузумига, совет тартибларига қарши қўзғалди ва босмачилар тарафига ўтиб кетди, ... бу ҳаракат эндиликда сиёсий мазмун касб этди. Шуни таъкидлаш лозимки, 1919-1920 йилларга келиб Фарғонада қароқчилик, босмачилик эмас, балки ўзига хос халқ исёни вужудга келди.

Тўрт йил мобайнида биз бу ҳаракатга тўғри баҳо беришни ҳам билмадик, у халқ қўзғолони бўлгани ҳолда биз уни босмачилик деб атадик... Ва алалоқибат 4 йил давомида биз бу ҳаракатнинг бирон-бир жиҳатини тугата олмадик».

1922 йилнинг 13 июлида Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг IV пленумида айтилган бу сўзларнинг инкор этиб бўлмас далилларга асосланганини таъкидлаб, Қ. Отабоев берган баҳо таҳирталаб эканини айтмоқ лозим. Чунки 1918 йиллардан бошланиб, ўн олти йил давом этган ва «босмачилик» аталиб келинган халқ миллий-озодлик кураши аввалги йиллардаги шундай ҳаракатларнинг мантиқан давоми бўлиб, унинг мафкуравий негизида жадидчилик ҳаракатининг антиколониал моҳияти ҳам ётади. Бу чиқиш сиёсий чиқиш бўлиб, бундан тилак Шўро ҳукуматини ағдариш эди» (Мунаввар-қори). Дарҳақиқат, 1922 йиллардаги ҳаракатлар ҳаётга тадбиқ этилган «Ер ислоҳоти» ва «Ер ислоҳоти ва ер ислоҳотини ўтказиш ҳақида» ҳужжатлар ва ер ислоҳотини ўтказиш ишлари ҳаётга тадбиқ этилган

Назм дафтари

БАҲОРГА ДЕГАНИМ

Тилим бул кун турналар-ла сўзлашдилар,
Дилим бул кун булутлар-ла бўзлашдилар,
Дил ва тилим армон ила дўстлашдилар.
Бари ўтар барчаси ҳам ўтадир,
Баҳор сенинг келганлигинг рост бўлсин.

Шўх қизалоқ ялпиз терсин қувониб,
Дардманд қўллар кўзларига суртсинлар.
Илк баҳорнинг насимидин товланиб,
Дилбар қизлар севарларин кутсинлар.
Баҳор сенинг келганлигинг рост бўлсин.

Диллар дардига шеър бўлиб боғланай,
Гуллар баргига шеър бўлиб жойланай,
Кенг само бағрида бир қушиқ бўлиб,
Мўдом халқим севинчига айланай.
Баҳор сенинг келганлигинг рост бўлсин.

Республика ижодкор Ўқитувчиларининг анъанавий V анжумани олдидан

ИШҚҚА МАСКАН ЮРАККИНАМ

Дардим пинҳон, ниҳондурур, узага ҳеч билдирмасман,
Дил тубинда тўфонимни узага ҳеч сездирмасман,
Алам ёнар юрагимда, севги занжир бўйларимда,
Яшириндур қонли ёшим — ҳар қаерда оқизмасман.

Севдим, куйдим, қолиб кетдим букун нетай балоларга,
Қалбим маскан бўлди дилим тубидаги жолаларга.
Дўсту душман орасида ёлгон кулдим ночор бўлиб,
Аммо юрак тўлиқ доим ғамли-сарин наволарга.

Юзда кулгум кўрган киши ҳайрон қолар, дардманд демас,
Айриликда шамдай сўндим, шоҳи жаҳоним бир келмас.
Бу тун яна келмаса гар шеърдан олгум бор аламни,
Наҳот унга шайдолигим, моҳитобоним ҳеч сезмас.

Ишққа маскан юраккинам наво айлар шеърларимда,
Гаҳи шодлик, гаҳи андуҳ садо айлар шеърларимда.
Ҳақ бу жоним олса агар, яратганим бир кун келиб,
Муҳаббатим, садоқатим англагайдир шеърларимдан.

Гулчехра УСМОНОВА.
Фориш тумани.

ОРЗУЛАРИ БИР ЖАҲОН

Ўзбекона одоб билан, кўлида рубоб ушлаб, бошига дўппи кўндириб, чеҳрасидан нур ёғилиб турган бу йигитча Лазизжон Абдуғаниев. Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Маржонбулоқ шаҳридаги 73-ўрта мактабда ўқийди.

Унинг улкан орзуси бор — келажакда элга таниқли санъаткор бўлмоқчи. Бунинг учун у бўш вақтларини қўшиқ куйлаш ва мусиқа чалишни ўрганиш билан ўтказади. Мактабдаги «Маржон» дастасининг фаол иштирокчиси. Бундан ташқари, шаҳардаги 2-сон мусиқа мактабида ҳам мусиқа сирларини чин дилдан ўрганаяпти. Мактаб ва шаҳар миқёсида ўтказилаётган турли хил маданий тадбирларда кўп марталаб иштирок этиб, совринли ўринларга эга бўлмоқда.

«Турли хил мусиқа асбобларини, қашқар рубоби, афғон рубоби, доира, ноғора, аккардион ва фортапианони чалишни ўрганяпман», — дейди Лазизжон. Ёш санъаткор мусиқа чалиш билан бирга қўшиқ шайдоси ҳамдир. «Дилхирож», «Жонон», «Ёлғиз», «Гардуни сегоҳ», «Оромижон» қўшиқларини устози Абдужалил Донабоевга етказиб ижро этишга ҳаракат қилмоқда. Унинг репертуарида ўзбек миллий мақомларидан тортиб замонавий қўшиқларгача бор. Ҳатто бир неча қардош халқлар қўшиқларини ҳам қойиллатиб ижро этади.

Айни кунларда эса у устози билан бирга республикамиз бўйлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танловининг навбатдаги босқичларига тайёргарлик кўрмоқда.

Лазизжоннинг орзулари бир дунё.

Фарҳод УСМОНОВ.

Хуллас...

СУНЪИЙ ЮРАК

Италияда шундай юрак тайёрланди. Икки ойдирки тўхтамай ишлаб турибди. Айтишларича, кейинги асрнинг бошларидан бундай юракларни одамларга ҳам ўрнатиш имкони бўларкан. Олимлар бундай юракларнинг фазилату хислатлари, аҳамияти тўғрисида оғиз кўпиртириб гапиришмоқда. Бироқ, сунъий юракда туйғу, ҳис-ҳаяжон бўладими, йўқми, лом-мим дейишган эмас.

БОЛА БОШИДАН

дейди халқимиз. Олмонияликлар ҳам шундай фикрда экан. Шу боис, болаларга ёшликдан таълим беришга эътиборни қаратишмоқда. У ердаги руҳшунос олимларнинг фикрича, бола миясини турли ахборотлар билан чарчатиб қўйиш мумкин, деган ақида нотўғри. Чунки, мия ўзига керакли ахборотнигина оларкан. Уларнинг айтишича, тил ўргатишни 3 яшардан бошлаган маъқул.

Яна таъкидлашларича, айнан уч яшарлигидан кейингина қобилиятли болаларнинг муайян иқтидори намоён бўла бошлайди. Хуллас, олмон олимларининг хулосаси шуки, 3 ёшдан болаларга жиддий эътибор бериш керак.

ИКРАДАН БЎКИБ ҚОЛДИ

Одатда, итни суяк билан сийлашади. Ҳозир эса телевизорларда кўп реклама қилинаётган «Чапи», «Педигри пал» каби номи антиқа емишларни кўриб, итлар суякка қарамай қўйишди. Улар ҳам замонавийлашяпти-да.

Яқинда Александр исмлик кимса мол дўхтирини чақириб, итини кўриб қўйишни илтимос қилди. Лоҳас бўлиб ётган итнинг уёқ-бу ёғидан ўтган дўхтирнинг кўлидан ҳеч иш келмади. Ит ўлди. Кейин дўхтирнинг суриштириб билишича, оила аъзолари содиқ дўстларига икра, оқ ва қизил балиқ беришаркан . Шўрлик жониворнинг содда ошқозони эса ундай тансиқ нарсаларни сингдира олмабди.

СУТ ТЎЛА ДЕНГИЗ

Сарлавҳани ўқиб, бўлиши мумкин эмас, дейсиз, ҳойнаҳой. Лекин ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Исроилнинг денгиз бўйи шаҳарлари аҳолиси бунга гувоҳ бўлишди. Денгиз тўла сут оқди. Кейин маълум бўлишича, мамлакатда сут маҳсулотларининг бозори касодга учрагач, «ортиқча» сутнинг барчаси денгизга оқизилибди.

ана шунақа гаплар.

Одобнома

ҲАЁТ БИНОСИ

Саид Муҳаммадбокир Ҳижозий асарларида фалсафий ақида, фикр юритиш кучли. У 1896 йили Эроннинг пойтахти Теҳронда дунёга келган, Францияда таҳсил олган. Муҳаммад Ҳижозийдан бир нечта роман, ҳикоялар тўплами мерос бўлиб қолган. Тарбиявий, ахлоқий асарлари ҳам талайгина. 1992 йили Душанбе шаҳрида унинг «Ҳазор сухан» («Минг ҳикматли сўз») китоби нашр этилди. Муштарийлар диққатига ушбу китобдан бир нечта ҳикматларни ҳавола этамиз.

Моҳир устоз тошдан одам яратади, аммо нодон мураббий одамдан бағритош кишини вужудга келтиради.

* * *

Китоб башариятнинг энг фойдали ихтироси ҳисобланади.

* * *

Ватан хоинининг жазосини биз бермасак ҳам, душманнинг ўзи беради.

* * *

Чиройли ва ширин сўз ақлидрокимизга жило бағишлайди.

* * *

Осонликча қўлга киритилган муваффақият инсонни ғайрат ва ҳиммат лаззатидан маҳрум қилади.

* * *

Билим ва ҳунар хазинаси ҳамиша фойда келтиради.

* * *

Ҳаёт мусиқий созга ўхшайди. Табиат уни бизнинг қўлимизга берган. Бу создан қандай куй янграши истеъдодимиз ва ғайратимизга боғлиқ.

* * *

Ҳулқи ёмон чиройли аёл тикани заҳарланган гулга ўхшаб кетади.

* * *

Аёллар ўлимдан кўра қариликдан кўпроқ кўрқадилар.

* * *

Қиш фаслини баҳор орзуси билан ўтказамиз, аммо баҳорнинг ўзи минг орзуни ато қилади.

* * *

Фақат моддий тараққиёт халқнинг саодати эмас.

* * *

Меҳрибонлик учун фақат қалб эмас, кўз ва тил ҳам меҳрибон бўлиши керак.

Форсчадан Шоқаҳқор САЛИМОВ таржимаси.

КЎП ЯШАНГ, ДОМЛА!

Бундан роппа-роса ўттиз йил муқаддам Тошкент давлат университетининг филология факультети журналистика бўлимида ўқиб юрган кезларимизда кўп домлаларимиз қатори Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев ҳам сабоқ берарди. У киши XVI—XVIII асрлар ўзбек адабиёти — Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Машраб, Турди, Нодира, Гулханий, Махмур... ижодидан маърузалар ўқирдилар. Шундайгина эсимда, Ҳасанхўжа домланинг маърузалари жуда мароқли эди. Домламиз ғазалларини жўшиб ўқир, талаффузлари ҳам «эскича», овозлари салобатли, оҳангдор — саҳна артистига ўхшаб кетардилар.

Биласиз, ёш кўнгиллар шеърга мойил бўлади. Ёшлик — ҳис-туйғулар манзили. Бунинг устига, у замонларда ғазални ҳамма ҳам қойилмақом қилиб ўқий олмасди. Менинг назаримда, уша йилларда радиода Қодир Махсумов, телевидениеда Насиба Қамбарова, Тошкент давлат университетида Ҳасанхўжа домла ғазални аруз вазнига мос ўқигувчилар — бадиий сўз усталари эдилар. Дарслар ғазалнавислиқдан иборат бўлмасди, албатта. Ҳасанхўжа домланинг маъруза баёни ҳам мумтоз матнга мос эди. Бу гапларни баландпарвозлик ёхуд бошқа жиҳатларга боғлиқ, деб ўйламанг, асло. Булар Ҳасанхўжа домладан сабоқ олган кўпчиликнинг дилидан ўтган гаплардир.

Домламиз тушгурнинг жисми ҳам «эски» одамларни эслатарди: сочлари қордай оппоқ ва қуюқ, қош-киприклари узун, пешоналари кенг, юзлари оқ-қизил, бўлиқ, ўта нуроний, гавдалари миқти, қўй кўзларидан нур тараларди. Каттакон бошларига салла қўндирилса, худди масжиднинг имоми ёхуд мадрасанинг мударриси бўларди-қўярди. Имомликни билмадиму, аммо мадраса мударрисининг ўзгинаси эди Ҳасанхўжа домла! У кишини сочларининг оппоқлигига ишора қилиб, «оппоқ сочли домла» дегувчилар ҳам буларди. Хуллас, оппоқ сочли Ҳасанхўжа домламиз ўшанда олтмиш ёшлардаги нуроний бир кексани эслатарди...

...Олтмиш олтинчи йили бизга сабоқ берган, «олтмиш ёшлардаги домла» деб айтаётган домламиз, биласизми, бор-йўғи олтмишнинг тенг ярми — ўттиз ёшда эканлар ўшанда. Яқинда университет домлалари «Ҳасанхўжа ака олтмишга кирибдилар» деганларида мен уша ёшлик таассуроти билан «Йўғ-е, Ҳасанхўжа ака тўқсонларга боргандиров», деб юборибман. Илоё, умрингиз узун бўлсин, тўқсонни ҳам тўқмоқлаб юринг, Ҳасанхўжа домла!..

Ўттиз ёшдаги Ҳасанхўжа домламиздан сабоқ олганимизга ҳам, мана ўттиз йил ўтибди. Умр оқар сувдай оқиб ўтаверар экан-да, дўстлар. Ўттиз йил ўтибди-ю, Ҳасанхўжа домламиз бўлса уша-уша — талабалар тилида «оппоқ сочли домла»!.. Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев меҳнат дафтарчасида иккита ёзув бор: бири — 1955—1960 йилларда ТошДУ филология факультети талабаси, иккинчиси — 1960 йилдан ҳозиргача шу факультетнинг лаборанти, аспиранти, ўқитувчиси, доценти, кафедра мудири. У киши ўттиз йил олдин ўқитган талабаларнинг кўпчилиги қанча-қанча жойларни чала-чулпа шудгорлаб юрибди, у киши бўлса, бир жойда ҳам ёшларга сабоқ бериб, ҳам излаганимни топаман деб илм ковлаб ётибди...

Ҳасанхўжа домла меҳнаткаш, изланувчан. У киши бутун умрини мумтоз адабиётимиз салафлари — Фузулий, Навоий, Бобур, Машраб ижодини ўрганишга, тарғиб ва ташвиқ этишга бағишлади. Ёзган китоблари бир жавон, мақолалари ўн сандиқ, маърифий ва одоб-ахлоқ ҳақидаги суҳбатлари сон-саноғининг адоғи йўқ. Бу ўринда Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаевнинг Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжонда нашр этган китоблари, мақолаларининг номлари, уларнинг таъриф-тавсифию таҳлили, суҳбатларининг мавзуларию меҳнатлари муносиб тақдирланганги ҳақида сўз очсак, гап чўзилиб кетади. Буларсиз ҳам Ҳасанхўжа домла ҳақида айтадиган гаплар кўп...

Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаевнинг Жазоир, Италия, Югославия, Озарбайжон, Қозоғистонга сафарларию, у ерларда мумтоз адабиётимиз ҳақида ўқиган маърузалари, республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ўттиз йиллар мобайнида ўқитувчиларга сабоқ бериб келаётганларининг ўзи бир достон!

У кишининг университетда, маҳаллада олиб бораётган жамоатчилик ишларию, радио ва талевиденИедаги одобахлоқ ҳақидаги маърифий суҳбатлари устида ҳам узоқ сўзлаш мумкин.

Яна бир муҳим гап — Ҳасанхўжа аканинг оилапарварлиги. Завжалари Сайёра опоқимиз қирқ йилдан бери мактабда ёш авлод таълим-тарбияси билан шуғулланадилар. Икковлашиб беш қиз, икки ўғилни тарбиялаб, жойжойига қўндириб, данагидан мағзи ширин неваралар қучоғида Аллоҳга шукроналар айтиб, маҳаллада, иш жойида ҳамкасблар билан тотув, иймон-эътиқод билан яшаб, умргузаронлик қилиб келаётганларида ҳам кўпчилик учун ибрат ва сабоқ бор! Бу ерда айтмаса бўлмайдиган яна бир гап бор — бу Ҳасанхўжа аканинг саховатпешалиги! Икита воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бири — 1972 йилнинг баҳорида Ҳасанхўжа ака хонадонида ўтган шоир-ёзувчилар, олиму санъаткорлар иштирокидаги илмий-маърифий суҳбат. Бу йигинда ҳассос шоир Чустий домла «Қутлов» деган ажойиб бир шеър ўқиган эди:

Анжуман тузди азизлар илму дониш боғида,
Бу улуғ фан гулшани яшнар ўзбек туфроғида.
Завқу шавқи бирла булбуллар тараннум айлашиб,
Очди мазмун ғунчасин ҳар лаб очилган чоғида.
Қолмади нодир тафаккурнинг ипида ҳеч тугун,
Аста-аста ечдилар ўткир билим тирноғида.
Офарин, таҳсин, тасанно бирла табриклар хати,
Бир ғазалдек жилва берди гулларин япроғида.
Яъни эл кўрди Ҳасанхўжа деган бир номни,
Эрку меҳнат бахту омаднинг баланд байроғида.
Бор ишончим, шубҳасиз, юксакка интилгай яна,
Сайд этар мақсадлар оҳусин зафарлар тоғида.
Ғайратингга офарин, минг раҳмат устозингга деб,
Бу садо авж олди минг-минг ёру дўст, ўртоғида.
Сут каби оппоқ дили, оппоқ сочию навқирон,
Ҳиссасин кўрдим татимли бу ҳаёт қаймоғида.
Анжуманга бебаҳо совға келтурди дўстлар,
Тоғганимни Чустий келтирдим ғазал белбоғида.

Иккинчи воқеа — 1990 йил январь ойида Тошкентдаги қариялар уйида бўлувди. Қариялар уйига бот-бот келиб турадиган, уларнинг шароитини яхши билган Ҳасанхўжа ака уша куни «Хайрия куни» ташкил қилиб, ўз ҳисобидан палов пишириб қарияларни меҳмон қилди ва уларга шахсий кутубхонасидан 70 та китоб совға улашди. Хайрия кечасида таниқли болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, шоира Муҳтарама Улуғова, Тошкент давлат университети домлалари иштирок этиб, кўнгли ўксик қарияларнинг дилларини ширин сўзлари билан шод этдилар...

Қариялар уйида яшаётган 83 яшар Абдурайим ота Қаюмовнинг юм-юм йиғлаганлари ҳаммани титроққа туширган эди: «Болаларим, ёшларга айтинглар, бу — қайтар дунё! Ҳеч ким ҳеч қачон ота-оналарини қаровсиз қолдирмасинлар, қариялар уйига топширмасинлар!..» деган сўзларини эсласам, ҳамон кўз олдим қоронғилашиб кетади. Маъюс чеҳралар маъюс таассурот қолдирганди ўшанда...

Дилимизга таскин берадиган нарса — ҳаётда Ҳасанхўжа ака сингари инсонларнинг борлигидир.

Гулом ҒАФУРОВ.



ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Таърифлари қуйида баён этилган номларни топиб, шаклда белгиланган йўналишда рақам атрофига ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Марказий осиёлик математик олим, фалакиётчи, «Ал-Жабр валмуқобила» рисоласи муаллифи.
2. Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ахлоқий-таълимий асар «Қобуснома» муаллифи. 3. Қадимий юнон давлати подшосининг шарқдаги номи. 4. VIII — IX асрларда яшаган риёзиёт ва фалакиёт олими, Қуёш соатлари ясаш ҳақидаги рисолалар муаллифи. 5. XIII аср охири XIV аср бошида яшаган мумтоз шоир, ўз тахаллуси билан номланувчи қисса муаллифи. 6. Ўзбекистон халқ шоири, достон ва қиссалар муаллифи. 7. XVI асрда яшаган мусиқашунос, шоир ва бастакор «Рисолаи мусиқий» асари муаллифи. 8. XV аср ўзбек мумтоз шоири. 9. XIV аср эронлик тарихчи ва жуғрофий илмлар билимдони. 10. Жаҳонга танилган буюк муҳандислардан бири. 11. Ўзбек театр саҳнасининг таниқли санъаткори, Отелло образи ижрочиси, халқ артисти. 12. Ўрта аср тилшунос олими, «Девону луғотит турк» асари муаллифи. 13. Қадимги юнон файласуф олими, илмнинг турли соҳаларига оид асарлар муаллифи. 14. Таниқли ёғоч ўймакори, Ўзбекистон халқ рассоми. 15. Ўзбек хонанда ва созандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. 16. Таниқли Доғистон халқ шоири, «Доғистоним» қиссаси муаллифи.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

Диққат, диққат!

«ОЛТИН МЕРОС»

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ТАНЛОВИ

Халқ оғзаки ижоди элнинг маънавий дунёси, руҳий олами, ахлоқий эътиқоди ва борингки, дунёқарашининг рангин кўринишидир. У авлодлар хотирасию виждони ҳамдир. Эртаклар, лапарлар, достонлару қўшиқлар, мақоллару маталлар, топишмоқлару аскиялар — ҳамма-ҳаммасида халқимизнинг шоён орзую чиройли истаклари, қувончу армонлари, ҳайрату қониқиши, офарину олқишлари акс-ланган сеҳрли кўзгудир, ёзилмаган буюк китобдир.

Узоқ йиллар давомида ўтмишга, хусусан, халқ оғзаки ижодига гоҳо эътиборсиз бўлдик, гоҳо салбий муносабатда бўлишга мажбур этдилар. Мустақиллик барчамизга яхши шароит, кенг имкониятлар яратмоқда. Ана шу имкониятлардан фойдаланиб халқнинг буюк тарихий ўтмишини, ноёб қадриятларини, халқ тарбиясининг ғўзал намунаси бўлмиш оғзаки ижод дурдоналарини излашимиз, чуқур ўрганишимиз, асраб-авайлаб келгуси авлодга етказиш чораларини ахтаришимиз, ушбу мақсадда умумхалқ ҳаракатини юзага келтиришимиз зарур.

Ҳукуматимиз, шахсан ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда «... Халқимизнинг таянчи, аждодларимиз қолдирган маънавий меросининг ўзи катта бир хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим», дея таъкидлаган эдилар. Шу олижаноб мақсаддан келиб чиқиб Республикамизда фаолият кўрсатиб турган «Миллий ва ижтимоий барқарорлик», «Истеъдод», «Ижодкорлар», «Маданият» жамғармалари бирлашиб Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси тузиб, уз фаолиятини бошлади. «Олтин мерос»нинг мақсади жамғарма Низомида бундай ифодаланган: «Республика ҳудудида ва чет мамлакатларда сақланаётган ноёб қўлёзмалар, маданий, тарихий ёдгорликлар, халқ амалий санъати ва оғзаки ижоди намуналари, санъат ва бадиий асарлар, кинофильмлар, театр, мусиқа, рақс ва қўшиқчилик санъати дурдоналари, қимматбаҳо нумизматика ашёлари, хусусий коллекциялар, қадимий давлатчилигимизга оид ҳужжатлар, давлат ва маданият арбобларининг ёзишмалари, қадимий чолғу асбоблари, либослари сингари олтин меросимизни йиғиш, сақлаш, келаси авлодга қолдиришдир».

Низомимизда маънавиятнинг деярли барча соҳасидаги қадриятларни излаб топиш, ўрганиш, асраб-авайлаш назарда тутилган, нимаики халқимизни улуғласа, нимаики ўтмиш ва бугунимизни келажак авлодларга етказишга хизмат қилса, ҳеч бирини эътибордан четда қолдирмасликни ният қилганмиз.

Аммо қадриятлар узича кенг оламдир, беқиёс уммондир. Бир йўла ҳаммасини қамраб олмоқ мушкулдир. Шу боис биз севимли газетамиз «Маърифат» муштарийлари билан ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ намуналари борасида мулоқотга чиқмоқчимиз, ҳамкорлик қилмоқчимиз.

Халқ орасида туғилиб, оғиздан-оғизга кўчиб юрган мардлик ва қаҳрамонликни, камтарлик ва олижанобликни, меҳрибонлик ва қадр-қимматни улуғловчи эртакларни, келин-куёвларнинг пинҳона қувончлар-ю, туйга келганларнинг ошкор ҳаяжонларини ифодаловчи ёр-ёрларини, туйҳонани ларзага келтирадиган лапарларни, Ватан фидойиларини улуғловчи достонларни, бошқотирма топишмоқларни, армон-алам ҳолати марсияларини, мазмундор мақолларни, ўйин-айтишувларни, борингки, миллатимиз қалб хотирасига битилган ижод намуналарини сизнинг иштирокингизда севимли газетамиз орқали йиғиб, бир неча жилдли китобларни чоп этмоқчимиз. Президентимиз ажратган маблағнинг бир қисмини ана шу мақсадларга сарфлаймиз.

Демак, эртак айтувчи момоларимизни, мақол тўқувчи боболаримизни, алла айтувчи оналаримизни, пурҳикмат оталаримизни, тарибянинг бошида турган билимдон муаллимларимизни, кутубхона мудирларини, куюнчак илмий бўлим мудирларимизни, талабчан директорларимизни, келажакнинг эгаси ўзим бўламан деб енг шимарган ўқувчиларимизни — ҳамма-ҳаммани

ТАНЛОВГА ЧОРЛАЙМИЗ!

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Юборилаётган асар илгари матбуотда эълон қилинмаган бўлсин.
2. Кимдан ёзиб олинган бўлса, айтувчининг исми ва фамилияси, ёши, ёзиб олувчининг исми ва фамилияси, манзили кўрсатилсин.
3. Юборилаётган асарнинг ҳажми чегараланмайди.
4. Бир муаллиф бир эмас, бир неча асарлар билан иштирок этиши мумкин.
5. Қалам ҳақи тўланганда асарнинг ҳажми эмас, жанри эътиборга олинади.
6. Тўпланган асарлар китоб ҳолида чоп этилганда, қайтадан қалам ҳақи тўланади.
7. Танловга барча ёшдаги, барча касбдаги кишилар тенг ҳуқуқли иштирок этадилар.
8. Танлов 1996 йилнинг 30 декабрида якунланади.

ПУЛ МУКОФОТЛАРИ:

1. Туртта биринчи мукофот — ўн минг сўмдан.
2. Олтита иккинчи мукофот — ҳар бири беш минг сўмдан.
3. Олтита учинчи мукофот — ҳар бири уч минг сўмдан.

СОВРИНЛАР:

1. Ғолиб муаллифларга «Олтин мерос» совринининг Нишони ва Дипломи ҳам топширилади.
2. Ушбу умумхалқ ҳаракатига ҳомийлик қилувчи фирма, қўшма корхона ва чет эл фирмалари ажратган рангли телевизорлар, аудио-видеолар ва бошқа қиймматбаҳо совғалар ҳам якун пайтида топширилади.

Жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган ижодкор халқимизнинг бир-биридан ғўзал ижод намуналари бир ҳонадон ёки бир авлоднинг мулки бўлиб қолмасин, балки умуммиллат, умумхалқ мулкига айлансин. Ушбу хайрли ва савобли ҳаракатга барчамиз тенг иштирок этишимиз, Мустақиллик берган бу қулай имкониятдан унумли фойдаланиб, бир-биридан ғўзал ва мазмундор халқ ижоди намуналарини келажак авлодга етказишимиз — бу аслида барчамизнинг бурчимиз ва келажак олдидаги масъулиятимиздир.

ҲАРФЛАР АДАШГАНДА

(Мактаб ҳаёти мавзусида)

* Мактаб залларидаги ёвузлар кўзни қувонтиради. **(ёзувлар)**

* Бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси Бахтиёр Кўчиев ўқувчиларга «Сафланинг!» деб қўйруқ берди. **(буйруқ)**

* Синф раҳбари бузоқни ўйлаб гапиради. **(узоқни)**

* Вазира кўприк танловда биринчи ўринни эгаллади. **(кўрик)**

Сирожиддин МУСАЕВ,
Челак туманидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ БИТИРУВЧИ КУРС СИРТҚИ БЎЛИМ ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жорий ўқув режаларига мувофиқ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти 1995—96 ўқув йилида битирувчи курслар учун ёзги ўқув, синов ва имтиҳонлар сессияси ҳамда давлат имтиҳонларини факультетлар бўйича қўйидаги муддатларда ўтказади:

1. Рус ва корейс филологияси ҳамда ўзбек ва қозоқ филологияси (битирувчи V курслари), бошланғич таълим методикаси (битирувчи (IV ва Vкурслари), математика, физика, дефектология, тарих, саноат педагогикаси, табииёт жуғрофияси, мактабгача тарбия факультетларида ёзги ўқув, синов ва имтиҳонлар сессияси — 1.06. — 30.06. 1996 йил.

2. Ўзбек ва қозоқ филологияси, рус ва корейс филологияси факультетларининг битирувчи VI курслари учун давлат имтиҳонлари — 1.06 — 30.06. 1996 йил.

3. Математика, физика, рус ва корейс филологияси (V курс), ўзбек ва қозоқ филологияси (V курс), бошланғич таълим методикаси, дефектология, тарих, саноат педагогикаси, табииёт жуғрофияси, мактабгача тарбия факультетларида давлат имтиҳонлари — 1.07. — 31.07. 1996 йил.

Шу муносабат билан институт раҳбарияти жойлардаги мактаб директорлари, халқ таълими ташкилотлари раҳбарларидан битирувчиларга ёзги ўқув, синов ва имтиҳонлар сессиясига ҳамда давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва муваффақиятли топширишлари учун зарур шароитлар яратиб беришни илтимос қилади.

Низомий номидаги ТДПИ ректорати.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим илмий методика маркази жамоаси марказнинг жисмоний тарбия ва чақириққача ёшларни тарбиялаш шўъбаси бошлиғи

Атхам МИРЗАЕВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0261. Тиражи 33029. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6